



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ  
(ШАРҚШУНОСЛИККА КИРИШ)” ФАНИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТЎПЛАМ**

Филология йўналиши бўйича бакалавр босқичида ўқиётган  
талабалар учун

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар  
Таълим йўналиши: 5120100 - Филология ва тилларни  
ўқитиш (тиллар бўйича)

Тузувчи: фил. фан. ном., доц **ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ**

Тошкент – 2011

Ўқув-услубий мажмуа намунавий дастур ва таълим йўналишининг ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ва кафедра мажлисининг \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_-сонли мажлисида, факультет илмий кенгашининг \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ўқув-услубий кенгаши нашрга тавсия этган ( \_\_\_\_\_ 2011 йилдаги \_\_\_\_\_-сонли баённома)

М а с ъ у л м у х а р р и р:  
филология фанлари доктори, профессор **А. РУСТАМОВ**

Т а қ р и з ч и л а р:  
филология фанлари доктори, профессор, **Ғ. АБДУРАҲМОНОВ**  
филология фанлари номзоди, доцент **А. ТИЛОВОВ**

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган ( \_\_\_\_\_ 2011 йилдаги \_\_\_\_\_-сонли баённома)

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011 йил.

## КИРИШ

Мазкур фан филология йўналишнинг талабаларига ўқитилади. “Мутахассисликка кириш” фани бўлғуси шарқшунос мутахассислар тайёрлаш учун ўта муҳим саналади.

Ҳозирда дунёнинг етакчи олий ўқув юртларида Шарқшунослик (Оренталистика) йўналиши ва унинг тармоқларини фан сифатида ўқитиш икки асрдан ошиб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу йўналиш дунё мамлакатларини шарқ мамлакатлари билан ўзаро боғлаб туришда иқтисодий, маданий, илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш воситасига айланган. Бу муҳим жараёнда шарқшунос мутахассисларнинг ўрни ўзгачадир.

Фанни ўқитишдан мақсад илми толибларга келгусида эгаллайдиган соҳаларининг аҳамиятини англаб етишлари, унинг ўзак йўналишларини билиб олишлари учун кўмак беришдан иборат. Шунингдек, шарқшуносликнинг муҳим тармоқларини билиш ва улар ичида ўзлари ўзлаштираётган йўналишнинг ўрнини англаб етишдир.

“Мутахассисликка кириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр - шарқшунослик, филология, туркология ва унинг таркибий қисмларини билиши, ўрганаётган йўналишнинг муҳим соҳаларини ажрата олиш кўникмасини шакллантириши ҳамда ўзлаштираётган соҳанинг юзага келиши ва тарихий такомилли, ўрганилаётган мутахассисликнинг тараққиёт босқичларини билиш малакасига эга бўлиши керак. Ўқув-услубий мажмуада ана шу масалаларнинг барини тугал қамраб олишга ҳаракат қилинди. Умидимиз, ушбу мажмуа ушбу курс бўйича сабоқ бераётган мутахассис ва илми толибларлар учун етакчи қўлланма бўлиб хизмат қилади.

\*\*\*\*\*

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### КИРИШ

Мазкур фан турк филологияси бўлимининг талабаларига ўқитилади. “Шарқшуносликка кириш” фани бўлғуси шарқшунос-туркшунос мутахассислар тайёрлаш учун ўта муҳим саналади.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ҳозирда дунёнинг етакчи олий ўқув юртларида Шарқшунослик (Оренталистика) йўналиши ва унинг тармоқлари фан сифатида ўқитилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу йўналиш дунё мамлакатларини шарқ мамлакатлари билан ўзаро боғлаб туришда иқтисодий, маданий, илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш воситасига айланган. Бу муҳим жараёнда шарқшунос мутахассисларнинг ўрни ўзгачадир.

Мазкур турк ва уйғур филологиясини ўзлаштираётган 5220100 – Филология (турк ва уйғур тили) йўналиши талабаларига мўлжалланган.

Фанни ўқитишдан **мақсад** – илми толибларга келгусида эгаллайдиган соҳаларининг аҳамиятини англаб етишлари, унинг ўзак йўналишларини билиб олишлари учун кўмак беришдан иборат.

Фаннинг **вазифаси** – шарқшуносликнинг муҳим тармоқларини билиш ва улар ичида ўзлари ўзлаштираётган йўналишнинг ўрнини англаб етишдир.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

- “Шарқшуносликка кириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:
- шарқшунослик, филология, туркология ва унинг таркибий қисмларини **билиши керак;**
  - ўрганаётган йўналишнинг муҳим соҳаларини ажрата олиш **кўникмасига эга бўлиши керак;**
  - ўзлаштираётган соҳанинг юзага келиши ва тарихий такомилли; ўрганилаётган мутахассисликнинг тараққиёт босқичларини билиш **малакасига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Шарқшуносликка кириш” танлов фанлари қаторида турувчи фан ҳисобланиб, 2- семестрда ўқитилади.

Ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ўқув режасида кўзда тутилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий (Ўзбекистон тарихи, фалсафа, ғарб тили), математик ва табиий-илмий фанлар(география, этнография), умумқасбий (асосий шарқ тили, тилшуносликка кириш) фанларидан етарли билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни**

Мақтабгача таълим муассасаси, ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-хунар коллежларида фаолият олиб борилганда шарқшуносликка кириш курсидан олинган билимлар қўл келади. Шунинг учун ушбу фан асосий танлов фан ҳисобланиб, шарқ филологияси бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Илми толибларнинг шарқшуносликка кириш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва етакчи усулларини қўллаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитиш жараёнида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, дарс йўруғлари, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроқлар, шарқшуносликка тегишли сайтлар, соҳа бўйича нашр этиладиган журнал ва илмий тўпламлардан фойдаланилади.

### **Асосий қисм**

#### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

**Кириш суҳбати.** “Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.

**Шарқшунослик - фан сифатида.** Шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари.

**Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари.** Арабшунослик. Эроншунослик. Вьетнамшунослик. Ҳиндшунослик. Хитойшунослик. Корейшунослик. Малайшунослик. Индонезшунослик. Семитология. Мўғулшунослик. Тибетшунослик. Туркшунослик.

**Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари.** Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари. Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари. Доврукли шарқшунослар. Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.

**Ўзбекистон шарқшунослиги.** Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар. Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар. Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар. ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлэмалар фонди.

**Шарқ филологияси шарқшуносликнинг асос йўналиши сифатида.** Филология тушунчаси. Филологиянинг соҳалари. Тил ва адабиёт бирлиги масаласи. Шарқ филологиясининг керакли йўналишлари.

**Турк филологияси шарқ филологиясининг етакчи тармоғи сифатида.** Дунё туркшунослиги мактаблари. Доврукли туркшунослар. Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар. Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар.

### **Амалий машғулотларни уюштириш бўйича кўрсатма ва йўлланмалар**

Амалий машғулотларда илми толиблар курснинг муҳим қирраларини амалий жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратадилар.

Амалий дарсларда кўзда тутилган мавзулар:

1. Дунё илмий жамоатчилиги тан олган довркли шарқшуносларнинг ҳаёт ва ижод йўли билан танишиш.

2. Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтларда берилган материалларни ўрганиш.

3. Дунё туркшунослигида етакчи санлаган олимларнинг илмий асарлари билан танишув ва туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлардаги материалларни кўздан кечириш.

Амалий дарсларни уюштириш бўйича кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва йўлланмалар ишлаб чиқилади. Унда илми толиблар маъруза дарсларида олган билим ва кўникмаларини амалий жиҳатдан бойитадилар. Шунингдек, дарслик, ўқув қўлланмалар, дарс йўруғлари асосида талабалар билимини мустаҳкамлашга эришиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш орқали талабалар илмий фаоллигини ошириш, мавзулар бўйича илмий маърузалар тайёрлаш тавсия этилади.

### **Мустақил топшириқларни уюштиришнинг шакли ва мазмуни**

Талабалар мустақил топшириқларни тайёрлаш жараёнида куйидаги кўрсатмалардан фойдаланишлари тавсия этилади:

- дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва дарс йўруғларидан курс мавзуларини ўрганиш;
- шарқшуносликка кириш билан боғлиқ мавзуларни ўзлаштириш;
- шарқшуносликнинг тармоқларини билиш;
- шарқшунослик ва туркшунослик марказларини билиш;

Мустақил топшириқларнинг мавзулари:

1. Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг даврий нашри “Шарқшунослик”, “Шарқ машъали” ва “Маяк востока” журналларида берилган мақолаларни ўқиб ўрганиш.

2. Россия Фанлар академиясининг нашри “Востоковедение” ва Москва Давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг илмий нашри “Народы Азии и Африки” журналларида босилган мақолларни таҳлил қилиш.

3. Парижда чоп этиладиган “Журнал Азиатик”нинг мундарижаси ва унда бериладиган мақолаларни ўқиб ўрганиш.

## Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Ушбу фанни ўргатиш давомида ўқитишнинг замонавий усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш кўзда тутилган.

- шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичларига тегишли мавзуларни ўзлаштиришда компьютер технологиялари кўмагида тақдимот ва электрон-дидактик воситалар қўлланилади;

- етакчи шарқшуносларнинг ҳаёт ва илмий йўли билан боғлиқ масалаларни ўтганда ўқитишнинг етакчи педагогик технологияларидан фойдаланилади;

- шарқшуносликнинг тармоқлари мавзусини ўқитганда компьютер технологиялари кўмагида тақдимот ва электрон-дидактик ҳамда ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қўлланилади.

### Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

*Омонов Қ.* “Шарқшуносликка кириш” фанидан дарс етакчиси. Тошкент, 2010.

*Кононов А.Н.* История изучения истории тюркских языков в России. Л., 1982.

*Омонов Қ.* “Туркий филологияга кириш” фанидан дарс йўруғчиси. – Туркий тиллар кафедрасининг йўруғи. Турк филологияси бўлими талабалар учун қўлланма. Тошкент, 2008, 311–336 б.

*Рождественский Ю.В.* Общая филология. Москва, 1996.

Ўзбекистон шарқшунослари. Тузувчи: М. Абдусаматов. Т., 2004.

### Қўшимча адабиётлар

*Алиев А., Содиқов Қ.* Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент, 1994.

*Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

*Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

*Баскаков Н.А.* Тюркские языки. М., 1960.

*Баскаков Н.А.* Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.

Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990

*Рамстедт Г.И.* Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957.

*Hasan Eren.* Türklük bilimi sözlüğü. Ankara, 1998.

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Индология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Синология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Иранистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Японоведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Корееведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Тюркология>

<http://altaica.narod.ru>

\*\*\*\*\*

## ФАННИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Курс 1  
 Семестр 1  
 Маъруза 10  
 Амалий машғулотлар 10  
 Мустақил таълим 20  
 Рейтинг – ҳар бир талабага 0,5 соат

Ҳафта	Дарсларнинг ўқув мавзулари	Дарснинг қисқача мазмуни	Дарс шакли	Соат	Адабиётлар	Аудиториядан ташқари бажариладган мустақил иш мавзулари	Назорат шакллари	Мавзу учун балл	Мустақил иш учун балл
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
I	Кириш суҳбати. “Мутахассисликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.	“Мутахассисликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари, унинг ўрганилиш соҳаси, ривожланиш тарихи, тараққиёти ҳақида умумий маълумот.	Маъруза	2	<i>Омонов Қ.</i> “Шарқшуносликка кириш” фанидан дарс етакчиси. Тошкент, 2010.	ТошДШИнинг даврий нашри “Шарқшунослик”, “Шарқ машъали” ва “Маяк востока” журналларида берилган мақолаларни ўқиб ўрганиш.	Савол-жавоб	3	1
II	Шарқшунослик - фан сифатида. Шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари.	Шарқшуносликнинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши, шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот.	Амалий	2	<i>Рождественский Ю.В.</i> Общая филология. Москва, 1996.	Россия Фанлар академиясининг нашри “Востоковедение” ва МДУ Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг “Народы Азии и Африки” журналларида босилган мақолаларни таҳлил қилиш.	Тест сўрови	3	1
III	Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари. Арабшунослик. Эроншунослик. Вьетнамшунослик. Ҳиндшунослик.	Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари: арабшунослик, эроншунослик, вьетнамшунослик, ҳиндшунослик,	Маъруза	2	Ўзбекистон шарқшунослари. Тузувчи: М. Абдусаматов. Т., 2004.	Парижда чоп этиладиган “Журнал Азиатик”нинг мундарижаси ва унда бериладиган мақолаларни ўқиб ўрганиш.	Назорат иши	3	1

	Хитойшунослик.	хитойшунослик, уларнинг ўрганилиши, тарихи ҳақида тушунча.			<a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабистика">http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабистика</a> <a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Индология">http://ru.wikipedia.org/wiki/Индология</a> <a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Синология">http://ru.wikipedia.org/wiki/Синология</a>				
IV	Корейсшунослик. Малайшунослик. Индонезшунослик. Семитология. Мўғулшунослик. Тибетшунослик. Туркшунослик.	Корейсшунослик, малайшунослик, индонезшунослик, семитология, мўғулшунослик, тибетшунослик, туркшунослик, уларнинг таракқиёти, ўрганилиш тарихи, ўзига хосликлари.	Амалий	2	<a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Японоведение">http://ru.wikipedia.org/wiki/Японоведение</a> <a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Корееведение">http://ru.wikipedia.org/wiki/Корееведение</a> <a href="http://ru.wikipedia.org/wiki/Тюркология">http://ru.wikipedia.org/wiki/Тюркология</a>	Дунё илмий жамоатчилиги тан олган доврүкли шарқшуносларнинг ҳаёт ва ижод йўли билан танишиш.	Ёзма назорат	3	1
V	Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари. Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари. Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари. Доврүкли шарқшунослар. Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.	Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари, дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари, шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари, доврүкли шарқшунослар ҳақида маълумот.	Маъруза	2	И.Кўчкортоев, Б.Исабеков Туркий филологияга кириш. Т. 1986. <a href="http://altaica.narod.ru">http://altaica.narod.ru</a>	Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтларда берилган материалларни ўрганиш.	Савол-жавоб	3	1
<b>О.Н.</b>								<b>10</b>	<b>5</b>
VI	Ўзбекистон шарқшунослиги. Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар. Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар. Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар.	Ўзбекистон шарқшунослиги. Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар. Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар ҳақида маълумот. Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар ҳақида тушунча.	Амалий	2	Омонов Қ. “Туркий филологияга кириш” фанидан дарс йўруғчиси. – Туркиёт кафедрасининг йўруғи. Турк филологияси бўлими талабалар учун қўлланма. Тошкент, 2008, 311–336 б.	Дунё туркшунослигида етакчи санлаган олимларнинг илмий асарлари билан танишув ва туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлардаги материалларни кўздан кечириш.	Тест сўрови	3	1

VII	ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фонди.	ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фонди, уларнинг ўрганилганлик даражаси, тарихи ҳақида маълумот.	Маъруза	2	Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990	Дунё туркшунослигидаги етакчи олимларнинг илмий асарлари билан танишув ва фанда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлардаги материалларни кўздан кечириш.	Оғзаки назорат	3	1
VIII	Шарқ филологияси шарқшуносликнинг асос йўналиши сифатида. Филология тушунчаси. Филологиянинг соҳалари. Тил ва адабиёт бирлиги масаласи. Шарқ филологиясининг керакли йўналишлари.	Шарқ филологияси шарқшуносликнинг асос йўналиши сифатида, филология тушунчаси, филологиянинг соҳалари, тил ва адабиёт бирлиги масаласи, шарқ филологиясининг керакли йўналишлари ҳақида маълумот.	Амалий	2	Кононов А.Н. История изучения истории тюркских языков в России. Л., 1982. Баскаков И.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969	Парижда чоп этиладиган “Журнал Азиатик”нинг мундарижаси ва унда бериладиган мақолаларни ўқиб ўрганиш.	Ёзма назорат	3	1
IX	Турк филологиясининг етакчи тармоғи сифатида. Дунё туркшунослиги мактаблари. Доврукли туркшунослар. Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.	Турк филологиясининг етакчи тармоғи сифатида, дунё туркшунослиги мактаблари, доврукли туркшунослар, туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар ҳақида маълумот.	Маъруза	2	Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957.	ТошДШИнинг даврий нашри “Шарқшунослик”, “Шарқ машъали” ва “Маяк востока” журналларида берилган мақолаларни ўқиб ўрганиш.	Савол-жавоб	3	1
X	Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар.	Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар, уларнинг қилган илмий ишлари, туркологиядаги ўрни ҳақида тушунча.	Амалий	2	Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957.	РФ ФАнинг нашри “Востоковедение” ва МДУ Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг илмий нашри “Народы Азии и Африки” журналаридаги мақолларни таҳлил қилиш.	Тест сўрови	3	1
<b>Оралик назорат</b>								<b>10</b>	<b>5</b>
<b>Якуний назорат</b>								<b>30</b>	
<b>Жами ўқув соатлари бали</b>								<b>50</b>	
<b>Жами мустақил таълим</b>								<b>20</b>	
<b>Жами</b>								<b>100</b>	

\*\*\*\*\*

## ФАНИДАН ДАРС ЕТАКЧИСИ

*Мавзу: “КИРИШ СУҲБАТИ. “ШАРҚШУНОСЛИККА КИРИШ”  
ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ”.*

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:** Шарқшунослик. Ориенталистика. Шарқ мамлакатлари тарихи, Шарқ мамлакатларининг дини, фалсафаси, этнографияси. Шарқ мамлакатларининг тили ва адабиёти. Шарқ мамлакатлари иқтисоди.

### Д а р с й ў р уғ и:

Шарқшунослик - фан сифатида.

Шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари.

### Д а р с н и н г қ и с қ а ч а м а з м у н и:

**Шарқшунослик** (Ғарбдаги “ориенталистика” деб юритилади) – Шарқ халқларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликлари ўрганувчи фанларнинг йиғидиси.

Ушбу йўналиш кишилиқ тарихида юзага келган энг эски илмий йўналишлар қаторида туради. Қадимги дунё тарихида яшаб ижод этган кўпгина олим ва ижодкорларни шарқшунослар қаторига қўшиш мумкин. Чунки улар ўз асарларида Шарқ халқларининг тарихи, маданияти, тили ва адабиётига оид маълумотларни ёзиб қолдирган. Чунончи, “тарих фанинг отаси” сифатида тан олинган буюк юнон тарихчиси Ҳерадотни биринчи шарқшунос-тарихчи деб атасак хато қилмаймиз. Боиси у ўзининг машҳур “Тарих” китобида Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё, Кавказ, Ҳиндистон халқларининг тарихи, сулолалари, этнографияси тўғрисида ёзиб қолдирган.

Фан тарихида шарқшуносликнинг тараққиёт босқичини тўртга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Қадимги дунё шарқшунослиги.
2. Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги.
3. XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослик.
4. Янги давр шарқшунослиги.

*Мавзу: “ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ”.*

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:** Арабистика, иранистика, индология, синология, тибетология, семитология, японистика, тюркология

### Д а р с й ў р уғ и:

Арабшунослик.  
Эроншунослик.  
Вьетнамшунослик.  
Ҳиндшунослик.  
Хитойшунослик.  
Корейшунослик.  
Малайшунослик.  
Индонезшунослик.  
Семитология.  
Мўғулшунослик.  
Тибетшунослик.  
Туркшунослик.

### **Дарсинг қисқача мазмуни:**

**Арабшунослик** (Ғарбда “арабистика” деб аталади) – дунёдаги араб мамлакатлари халқларининг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма обидаларини ўрганувчи соҳа. Шарқшуносликнинг етакчи ва тараққий этган тармоқларидан бири.

**Ҳиндшунослик** (Ғарбда “Индология” ёки “индианистика”) - Жанубий Осиёда жойлашган Ҳиндистон мамлақатида яшовчи халқларининг тили, адабиёти, тарихи, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ўргаувчи шарқшуносликнинг тармоғи.

**Хитойшунослик** (Ғарбда “Синология”) – қадимги ва ҳозирги Хитойнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликларини ўрганувчи соҳа. Синология замонавий шарқшуносликнинг жадал ўсаётган тармоғи.

**Эроншунослик** (Ғарбда “Иранистика”) – ҳинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳига кирувчи халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма манбаларини ўрганувчи йўналиш.

**Японшунослик** (Ғарбда “японистика”) – Япон оролида жойлашган халқнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма меросини ўрганеди. Ўзбек шарқшунослигининг кенжа тармоқларидан.

**Корейшунослик** (Ғарбда “Кореистика”) — Корейс ярим оролида жойлашган халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, қадимги ёзма манбалари ўргаувчи йўналиш.

**Туркшунослик** (Ғарбда “Тюркология”) – Дунёдаги қадимги ва замонавий туркий халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ёзма ёдгорликларини ўрганувчи тармоқ.

### **Мавзу: ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗАЛАРИ**

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:** Париж, Берлин, Лондон, Индиана, Москва, Санкт-Петербург, Киото шарқшунослик марказлари.

### **Д а р с й ў р уғ и:**

Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари.

Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган дунёнинг йирик кутубхоналари.

Довруқли шарқшунослар.

Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.

### **Дарсинг қисқача мазмуни:**

Дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларининг олий ўқув юртларида шарқшунослик йўналиши бўйича мутахассислар етиштирилмоқда. Айниқса, шарқшунослик Европа, Америка, Россия таълим тизимида шарқшунос кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

Дунёнинг доврўқли шарқшунослари қаторига Абель-Ремюза, Браун Э., Кёрёши Чома, Паллас П., Пеллио П., Рамстедт Г., Шампольон Ж., Шор М., Алпатов В., Владимирцов Б., Дмитриев Н., Дьяконов И., Корш Ф., Минорский В., Ольденбург С., Поливанов Е., Рерих Н., Щербатской Ф. Киради.

### **Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚШУНОСЛИГИ**

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:** Буюк ипак йўли. Буддавийлик мазмунидаги асарлар. Табғач тили. Анаткак тили. Тўхрий тили. Сўғдақ бўдун.

## Д а р с й ў р уғ и :

Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар.  
Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар.  
Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар.  
ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.

### Д а р с н и н г қ и с қ а ч а м а з м у н и :

Илк ўрта асрлар ўлкамизда буддизм дининг кириб келгани ва буюк ипак йўлида жойлашган Шарқ халқлари ўртасида маданий, диний, адабий алоқалар кучайганлиги, таржима адабиётининг янги босқичга ўтганлиги билан ажралиб туради. Ўша кезлар туркий тилга санскрит (анаткак), тохар (тўхрий), суғд (сўғдак), хитой (табғач) тилларидан кўплаб будда асарларини таржима қиладиган шарқшунослар етишиб чиққан. Муҳими, ана шу адабий алоқалар юртимизда шарқшуносликнинг ривожига туртки бўлган. Хусусан, будда ёдгорликларидан “Олтун тусли ёруғ” асари анаткак (санскрит) тилида яратилган. У дастлаб табғач (хитой) тилига таржима қилинган. Сўнг шарқшунос Сингку Сели тудунг уни табғаччадан қадимги туркий тилга таржима қилган. Бу тўғрида асарда шундай қайд этилади: Bodisatv Gitsu Samtso atliḡ aċarī ānātkāk tilintin tawḡaċ tilinċä ewrilmiş ... bišbaliqlīḡ Siḡqu Seli tuduḡ tawḡaċ tilintin türk uyḡur tilinċä ikiläyü ewirmiş (бўдисатв Гитсу Самтсў отли устоз анаткак тилидан тавғач тилига ўгирган ... бешбалиқлик Сингку Сели тудунг тавғач тилидан турк уйғур тилига ўгирган).

Шарқшунос олим ва буддашунос Шингку Шелининг туркшуносликда бундан бошқа яна икки таржима асари маълум: бири “Сюань-цзан кечмиши” (“Tsi-in-čün kavī nom bitig”), бошқаси “Вужуд ва кўнгилни англаш китоби” (“Et-özüg köñlüg körmäk atliḡ nom bitig”) деб аталади. Бунинг сингари фактлари етарлича.

XX аср ўзбек шарқшуносларининг етакчилари сифатида Фитрат, У. Каримов, С. Муталлибов, Б. Аҳмедов, С. Азимжонова, А. Ўринбоев сингари олимларни қайд этиш мумкин.

### Мавзу: ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р :** Филология. Лингвистика. Адабиётшунослик. Шарқ халқларининг тиллари ва адабиёти.

## Д а р с й ў р уғ и :

Шарқ филологияси.  
Филология тушунчаси.  
Филологиянинг соҳалари.  
Тил ва адабиёт бирлиги масаласи.  
Шарқ филологиясининг керакли йўналишлари.

### Д а р с н и н г қ и с қ а ч а м а з м у н и :

**Филология** (юнон тилидаги “сўзни севиш” англамидаги φιλολογία сўзидан) – тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик фанларини ўзида қамраган соҳа. Кишилиқ тарихидаги энг эски йўналишлардан бири.

**Шарқ филологияси** эса ана шу умумфилологиянинг бир тармоғи бўлиб, у шарқ халқларининг тили, адабиёти, ёзма мероси сингари соҳаларни ўрганади. Шарқ

филологиясининг муҳим йўналишларига араб, форс, турк, хитой, хинд, корейс, япон филологияси киради.

**Мавзу: ТУРК ФИЛОЛОГИЯСИ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ СИФАТИДА**

**Т а я н ч т у ш у н ч а л а р:** Туркий филология. Упсала, Будапешт, Берлин, Истанбул, Москва, Тошкент туркология марказлари.

**Д а р с й ў р уғ и:**

Дунё туркшунослиги мактаблари.

Довруқли туркшунослар.

Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.

Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркшунослар.

**Д а р с н и н г к и с қ а ч а м а з м у н и:**

Туркий филологияси Евроосиё қитасида жойлашган 30 яқин туркий халқларнинг қадимги ва ҳозирги тили, адабиёти, ёзма мероси масалаларини ўрганувчи соҳа. Бу йўналиш шарқ филологиясининг энг ривожланган етакчи тармоқларидан бири саналади.

Берлин, Будапешт, Истанбул, Москва, Тошкент мактаблари дунёнинг етакчи туркшунослик мактаблари сирасига киради.

Довруқли туркшунослар қаторида В. Томсон, В. Радлов, В. Банг, А. Габен, Р. Аратнинг номини қад этиш мумкин.

**Талабаларнинг ўқиши учун керакли адабиётлар:**

*Баскаков Н.А.* Тюркские языки. М., 1960.

*Баскаков Н.А.* Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.

*Кононов А.Н.* История изучения истории тюркских языков в России. Л., 1982.

Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990

*Омонов Қ.* “Туркий филологияга кириш” фанидан дарс йўруғчиси. – Туркий кафедрасининг йўруғи. Турк филологияси бўлими талабалар учун қўлланма. Тошкент, 2008, 311–336 б.

*Рамстедт Г.И.* Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957.

*Рожественский Ю.В.* Общая филология. Москва, 1996.

*Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

Ўзбекистон шарқшунослари. Тузувчи: М. Абдусаматов. Т., 2004.

*Hasan Eren.* Türklük bilimi sözlüğü. Ankara, 1998.

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Индология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Синология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Иранистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Японоведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Корееведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Туркология>

<http://altaica.narod.ru>

\*\*\*\*\*

## ФАНИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Мутахассисликка кириш” фанидан маъруза ва амалий машғулот  
мавзуларининг соатлар бўйича тақсимооти

№	МАВЗУЛАР	Аудитория соатлари	
		Маъруза соатлари	Амалий машғулот соатлари
I	КИРИШ СУХБАТИ. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ” ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.	2	
II	ШАРҚШУНОСЛИК - ФАН СИФАТИДА. ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ.		2
III	ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ. АРАБШУНОСЛИК. ЭРОНШУНОСЛИК. ВЬЕТНАМШУНОСЛИК. ҲИНДШУНОСЛИК. ХИТОЙШУНОСЛИК.	2	
IV	ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ. КОРЕЙСШУНОСЛИК. МАЛАЙШУНОСЛИК. ИНДОНЕЗШУНОСЛИК. СЕМИТОЛОГИЯ. МУЎЛУШУНОСЛИК. ТИБЕТШУНОСЛИК. ТУРКШУНОСЛИК.		2
V	ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗАЛАРИ. ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ШАРҚШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ. ШАРҚ ХАЛҚЛАРИГА ТЕГИШЛИ ҚЎЛЁЗМАЛАР САҚЛАНАДИГАН ЙИРИК ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИ. ДОВРУҚЛИ ШАРҚШУНОСЛАР. ШАРҚШУНОСЛИКДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА НАШР ВА САЙТЛАР.	2	
VI	ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚШУНОСЛИГИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ОМИЛАР. АСАРЛАРИ БИЗГА ҚАДАР ЕТИБ КЕЛГАН ИЛК ШАРҚШУНОСЛАР.		2
VII	ЎЗР ФА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИ.	2	
VIII	ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ АСОС ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА. ФИЛОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИ. ФИЛОЛОГИЯНИНГ СОҲАЛАРИ. ТИЛ ВА АДАБИЁТ БИРЛИГИ МАСАЛАСИ. ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ КЕРАКЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.		2
IX	ТУРК ФИЛОЛОГИЯСИ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ СИФАТИДА. ДУНЁ ТУРКШУНОСЛИГИ МАКТАБЛАРИ. ДОВРУҚЛИ ТУРКШУНОСЛАР. ОРИЕНТАЛИСТИКАДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА НАШР ВА САЙТЛАР.	2	
X	ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК МАРКАЗЛАРИ ВА ЕТАКЧИ ШАРҚШУНОСЛАР		2
БАРИ:		10	10


<b>1- МАВЗУ</b>	<b>КИРИШ СУХБАТИ. КИРИШ СУХБАТИ. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ” ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.</b>
-----------------	---

### 1.1. Маъруза орқали ўтиладиган дарснинг ўқитиш технологияси


Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза	
Маъруза машғулотининг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсади ва курс олдида қўйилган вазифалар.</li> </ul> “Шарқшуносликка кириш” предметининг объектлари.	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> “Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсади ва курс олдида қўйилган вазифалар, унинг объектлари, Шарқшунослик (оренталистика) муайян тизим кўринишида, Ореенталистика фанининг қамрови тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>- курснинг қамрови билан таништириш, унинг мақсади ва курс олдида қўйилган вазифаларни тушунтириш;</li> <li>- Шарқшуносликка киришнинг объектлари тўғрисида маълумот бериш;</li> <li>- Шарқшунослик (оренталистика) муайян тизим эканини англатиш;</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• тилшунослик тарихининг мақсади ва курс олдида турган вазифаларни тушунтириб беради;</li> <li>• предметининг объектларини тўлиқ изохлаб беради;</li> <li>• Шарқшуносликнинг муайян тизим эканини шарҳлайди;</li> </ul>	
Ўқитиш усули ва техникаси	Кўргазмали маъруза, баён қилиш, блиц-сўров, кластер, ақлни пешлаш	
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, тарқатма материаллар, графиклар	
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва яккаликда ишлаш	
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория	

<b>1-МАШҒУЛОТ</b>	<b>МАЪРУЗА ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ</b>	
<b>Босқичлар ва унга ажратилган вақт</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
<b>1- босқич.</b>	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Кириш қисми (10 дақиқа).</b>	1.1. Талабалар билан сўрашиб, давоматни текширади. 1.2. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
	2.1. Талабалар эътиборини бир нуқтага қаратиш ва билим даражаларини аниқлаш	2.1. Эшитади.

<p><b>2- босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(60 дақиқа).</b></p>	<p>учун тезкор савол-жавоб ўтказди. - Шарқшунослик деганда нимани тушунасиз биласиз? - курсга тегишли қандай атамаларни биласиз? - фан тарихи деганда нимани тушунасиз? - лисоний тафаккур нима? 2.2. Ўқитувчи кўргазмали материалларни қўллаган ҳолда маърузани бошлаб, баён этишда давом этади. Фаннинг мақсади, курс олдига қўйилган вазифалар ва ўқитилаётган предметнинг объектлари, замонавий Шарқшунослик бугунги кийфасини топгунга қадар узок тарихий такомил босқичини ўтагани тўғрисидаги маълумотларни беради. 2.3. Шарқшунослик (оренталистика) муайян тизим кўринишида илк ўрта асрларда юзага келдигани тўғрисида маълумот беради. 2.4. Оренталистика фанининг қамрови кенг бўлиб, у ўзида туркий тиллар ва адабиётлар, туркий қавмлар тарихи, туркий элатларнинг келиб чиқиши, давлатчилиги, мафкураси, маданияти, дини, дунёқараши, иқтисоди, умуман, туркий улусни ўрганиш билан боғлиқ барча йўналишларни ўзида жамлашини таъкидлайди. 2.5. Туркий филология эса туркий халқларнинг тили, адабиёти ва фольклорини ўрганишни ўз ичига олган тармоқ экани тўғрисидаги кўргазмали материалларни кўрсатади. 2.6. а) Шарқшуносликка кириш фани нимани ўрганади деб ўйлайсиз? б) Унинг объектлари нималардан иборат? сингари саволларга жавоб бериш орқали ўтилган мавзу мустаҳкамлаб олинади. 2.7. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. Навбат билан бир- бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Кўрсатилган кўргазмали жадвалларнинг мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, керакли жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, қайд этиб олади. 2.4. Ёзиб олади ва эслаб қолади. 2.5. Кўрсатилган материалнинг мазмунини муҳокама қилади. 2.6. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. 2.7. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.</p>
<p><b>3- босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b></p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа: курснинг мақсад ва вазифаси тўғрисида (<i>Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969. китоби асосида</i>) маълумотлар тўплаб келишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.3. Топшириқни ёзиб олади.</p>



**МАВЗУНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ**



## БИРИНЧИ МАВЗУ ЮЗАСИДАН КЕРАКЛИ АДАБИЁТ



## 1.1. Амалий машғулотнинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза	
Амалий машғулотининг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қадимги дунё шарқшунослиги.</li> <li>• Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги.</li> <li>• XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослик.</li> <li>• Янги давр шарқшунослиги.</li> </ul>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Шарқшуносликнинг фан сифатида пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар, шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари таҳлил этиш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>	
<p>- Қадимги дунё шарқшунослигининг юзага келишига сабаб бўлган омиллар билан таништириш.</p> <p>- Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги билан боғлиқ маълумотларни етказиш.</p> <p>- XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослик ҳақида далиллар келтириш.</p> <p>- Янги давр шарқшунослигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиш.</p>	<p>Талаба:</p> <p>- Қадимги дунё шарқшунослигининг юзага келишига сабаб бўлган омиллар билан таништириш.</p> <p>- Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги билан боғлиқ маълумотларни етказиш.</p> <p>- XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослик ҳақида далиллар келтириш.</p> <p>- Янги давр шарқшунослигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиш</p>	
Ўқитиш усули ва техникаси	Блиц-сўров, кластер, ақлни пешлаш	
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, тарқатма материаллар, графиклар, доска, бўр.	
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, жуфтлик ва яккаликда ишлаш	
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор ҳамда компьютер билан жиҳозланган аудитория	

## 2-МАШҒУЛОТ

## АМАЛИЙ ДАРСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Босқичлар ва унга ажратилган вақт	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1- босқич.</b> <b>Кириш қисми (5 дақиқа).</b>	1.1.Талабалар билан сўрашиб, давоматни текширади. 1.2.Мавзу, унинг мақсади, ўқув	

	машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
<b>2-босқич.</b> <b>Билимларни фаоллаштириш (10 дақиқа.)</b>	2.1. Мавзунинг таянч тушунчаларни ва маърузада ечиладиган масалаларни намоёниш қилади. 2.2. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари маълум қилинади	2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
<b>3- босқич.</b> <b>Асосий қисм (55 дақиқа).</b>	2.1. Талабалар диққатини бир ерга қаратиш учун қуйидаги саволларни ўртага ташлайди: - “Шарқ” атамасини шарҳлаб беринг. - Шарқшунослик тўғрисида нималар биласиз? - Шарқ халқлар деганда кимларни тушунамиз ? 2.2. Ўқитувчи кўргазмали материалларни қўллаган ҳолда маърузани баён этади. 2.3. Ушбу йўналиш кишилик тарихида юзага келган энг эски илмий йўналишлар қаторида туради. Қадимги дунё тарихида яшаб ижод этган кўпгина олим ва ижодкорларни шарқшунослар қаторига қўшиш мумкин. Чунки улар ўз асарларида Шарқ халқларининг тарихи, маданияти, тили ва адабиётига оид маълумотларни ёзиб қолдирган. Чунончи, “тарих фанинг отаси” сифатида тан олинган буюк юнон тарихчиси Ҳерадотни биринчи шарқшунос-тарихчи деб атасак хато қилмаймиз. Боиси у ўзининг машҳур “Тарих” китобида Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё, Кавказ, Ҳиндистон халқларининг тарихи, сулолалари, этнографияси тўғрисида ёзиб қолдирган. 2.4. Фан тарихида шарқшуносликнинг тараққиёт босқичини тўртга бўлиб ўрганиш мумкин: 1. Қадимги дунё шарқшунослиги. 2. Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги. 3. XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослик. 4. Янги давр шарқшунослиги. 2.5. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Кўрсатилган кўргазмали жадвалларнинг мазмунини муҳокама қилади. 2.3. Эслаб қолади, қайд этиб олади. 2.4. Ёзиб олади ва эслаб қолади. 2.5. Фактларни қайд этиб боради.
<b>4- босқич.</b>	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга	3.1. Эшитади, аниқлаштиради.

<b>Якуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b>	қаратади. 3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа: қадимги дунё шарқшунослиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаб, конспект қилиш вазифа қилиб берилади.	3.3. Топшириқни ёзиб олади.
---	---	-----------------------------

## МАВЗУ БЎЙИЧА КЎРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

### 1- илова

Ушбу йўналиш кишилиқ тарихида юзага келган энг эски илмий йўналишлар қаторида туради. Қадимги дунё тарихида яшаб ижод этган кўпгина олим ва ижодкорларни шарқшунослар қаторига қўшиш мумкин. Чунки улар ўз асарларида Шарқ халқларининг тарихи, маданияти, тили ва адабиётига оид маълумотларни ёзиб қолдирган. Чунончи, “тарих фанинг отаси” сифатида тан олинган буюк юнон тарихчиси Ҳерадотни биринчи шарқшунос-тарихчи деб атасак хато қилмаймиз. Боиси у ўзининг машхур “Тарих” китобида Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё, Кавказ, Ҳиндистон халқларининг тарихи, сулолалари, этнографияси тўғрисида ёзиб қолдирган.

### 1- илова

#### Шарқшунослиқнинг тараққиёт босқичини тўртга бўлиб ўрганиш мумкин:

- Қадимги дунё шарқшунослиги.
- Илк ва ўрта асрлар шарқшунослиги.
- XVIII – XX юзйилликнинг бошларига қадар давом этган шарқшунослиқ.
- Янги давр шарқшунослиги.

<b>3- МАВЗУ</b>	<b>ШАРҚШУНОСЛИҚНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ. АРАБШУНОСЛИК. ЭРОНШУНОСЛИК. ВЬЕТНАМШУНОСЛИК. ҲИНДШУНОСЛИК. ХИТОЙШУНОСЛИК</b>
-----------------	--

### 1.1. Маъруза машғулотнинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Арабшунослиқ.</li> <li>- Эроншунослиқ.</li> <li>- Вьетнамшунослиқ.</li> <li>- Ҳиндшунослиқ.</li> <li>- Хитойшунослиқ.</li> </ul>

<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Шарқшуносликнинг муҳим тармоқларидан арабшунослик, эроншунослик, вьетнамшунослик, ҳиндшунослик, хитойшунослик соҳаларини тушунтириш ва уларнинг муҳим хусусиятларини таҳлил этиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Арабшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш.</li> <li>- Эроншунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш..</li> <li>- Вьетнамшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш..</li> <li>- Ҳиндшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш..</li> </ul> <p>Хитойшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот етказиш.</p>	<p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Арабшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бера олади.</li> <li>- Эроншунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот етказа олади..</li> <li>- Вьетнамшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бера олади.</li> <li>- Ҳиндшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот бера олади..</li> <li>• Хитойшунослик ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида маълумот етказа олади</li> </ul>
Ўқитиш усули ва техникаси	Блиц-сўров, кластер, ақлни пешлаш
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, таркатма материаллар, графиклар, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, жуфтлик ва яккаликда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор ҳамда компьютер билан жиҳозланган аудитория

<b>3-МАШҒУЛОТ</b>	<b>МАЪРУЗА ДАРСИНING ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ</b>
-------------------	---

<b>Босқичлар ва унга ажратилган вақт</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>1- босқич.</b> <b>Кириш қисми (5 дақиқа).</b>	1.3.Талабалар билан сўрашиб, давоматни текширади.  1.4.Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
<b>2-босқич.</b> <b>Билимларни фаоллаштириш (10 дақиқа.)</b>	2.1. Мавзунинг таянч тушунчаларни ва маърузада ечиладиган масалаларни намоиш қилади.  2.2. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари маълум қилинади	2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
	2.1. Талабалар диққатини бир ерга қаратиш учун куйидаги саволларни ўртага ташлайди:  - “Тармоқ” атамасини шарҳлаб беринг. - Мусулмон Шарқи ва Узоқ тўғрисида	2.1. Эшитади.  Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.

<p><b>3- босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(55 дақиқа).</b></p>	<p>нималар биласиз?</p> <p>2.2. Ўқитувчи кўргазмали материалларни кўллаган ҳолда маърузани баён этади.</p> <p>2.3. <b>Арабшунослик</b> (Ғарбда “арабистика” деб аталади) – дунёдаги араб мамлакатлари халқларининг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма обидаларини ўрганувчи соҳа. Шарқшуносликнинг етакчи ва таракқий этган тармоқларидан бири.</p> <p>2.4 <b>Ҳиндшунослик</b> (Ғарбда “Индология” ёки “индианистика”) - Жанубий Осиёда жойлашган Ҳиндистон мамлакатида яшовчи халқларининг тили, адабиёти, тарихи, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ўргаувчи шарқшуносликнинг тармоғи.</p> <p>2.5 <b>Хитойшунослик</b> (Ғарбда “Синология”) – қадимги ва ҳозирги Хитойнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликларини ўрганувчи соҳа. Синология замонавий шарқшуносликнинг жадал ўсаётган тармоғи.</p> <p>2.6 <b>Эроншунослик</b> (Ғарбда “Иранистика”) – хинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳига кирувчи халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма манбаларини ўрганувчи йўналиш.</p> <p>2.7. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>2.2. Кўрсатилган кўргазмали жадвалларнинг мазмунини муҳокама қилади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, қайд этиб олади.</p> <p>2.4. Ёзиб олади ва эслаб қолади.</p> <p>2.5. Кўрсатилган мате-риалнинг мазмунини муҳокама қилади.</p> <p>2.7. Фактларни қайд этиб боради.</p>
<p><b>4- босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b></p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа: Шарқшуносликнинг тармоқлари маълумотларни тўплаб, конспект қилиш вазифа қилиб берилади.</p>	<p>3.1. Эштади, аниқлаштиради.</p> <p>3.3. Топшириқни ёзиб олади.</p>

## МАВЗУ БЎЙИЧА КЎРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

1- илова

### ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎЗ ҚАРАШЛАР

Арабшунослик (Ғарбда “арабистика” деб аталади) – дунёдаги араб мамлакатлари халқларининг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма обидаларини ўрганувчи соҳа. Шарқшуносликнинг етакчи ва тараққий этган тармоқларидан бири.

Ҳиндшунослик (Ғарбда “Индология” ёки “индианистика”) - Жанубий Осиёда жойлашган Ҳиндистон мамлакатида яшовчи халқларининг тили, адабиёти, тарихи, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ўргаувчи шарқшуносликнинг тармоғи.


Хитойшунослик (Ғарбда “Синология”) – қадимги ва ҳозирги Хитойнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликларини ўрганувчи соҳа. Синология замонавий шарқшуносликнинг жадал ўсаётган тармоғи.

Эроншунослик (Ғарбда “Иранистика”) – хинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳига кирувчи халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма манбаларини ўрганувчи йўналиш.

2- илова

### МАВЗУ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

АРАБШУНОСЛИК,  
ЭРОНШУНОСЛИК,  
ВЬЕТНАМШУНОСЛИК,  
ҲИНДШУНОСЛИК,  
ХИТОЙШУНОСЛИК



<b>4- MAVZU</b>	<b>ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ. КОРЕЙШУНОСЛИК. МАЛАЙШУНОСЛИК. ИНДОНЕЗШУНОСЛИК. СЕМИТОЛОГИЯ. МЎҒУЛШУНОСЛИК. ТИБЕТШУНОСЛИК. ТУРКШУНОСЛИК.</b>
-----------------	---

### 1.1. Амалий дарснинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза	
Амалий машғулотининг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корейшунослик.</li> <li>• Малайшунослик.</li> <li>• Индонезшунослик.</li> <li>• Мўғулшунослик.</li> <li>• Тибетшунослик.</li> </ul> Туркшунослик.	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Шарқшуносликнинг муҳим тармоқларидан корейшунослик, малайшунослик, индонезшунослик, мўғулшунослик, тибетшунослик ва туркшунослик. тўғрисида тугал маълумот бериш.		
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Корейшунослик. ва унинг муҳим қираларини етказиш - Малайшунослик соҳаси билан таништириш. - Индонезшунослик тармоғининг муҳим жиҳатлари билан таништириш.		<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Корейшунослик. ва унинг муҳим қираларини етказа олади - Малайшунослик соҳаси билан таништира олади - Индонезшунослик тармоғининг муҳим жиҳатлари билан таништира олади


- Мўғулшунослик ва унинг ўзига хос қирралари тўғрисидаги маълумотни етказиш. - Тибетшуносликнинг ўзига хосликларини тушунтириш - Туркшунослик соҳаси билан боғлиқ маълумотларни бериш	- Мўғулшунослик ва унинг ўзига хос қирралари тўғрисидаги маълумотни еткази олади. - Тибетшуносликнинг ўзига хосликларини тушунтира олади - Туркшунослик соҳаси билан боғлиқ маълумотларни бера олади
Ўқитиш усули ва техникаси	Маъруза, тезкор сўров, ақлий ҳужум
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, кўргазмали ва тарқатма материаллар, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, жуфтлик ва яккаликда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор ҳамда компьютер билан жиҳозланган аудитория


<b>4-МАШҒУЛОТ</b>	<b>АМАЛИЙ ДАРСИНING ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ</b>	
<b>Босқичлар ва унга ажратилган вақт</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
<b>1- босқич.</b>	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>Кириш қисми (5 дақиқа).</b>	1.5.Талабалар билан сўрашиб, давоматни текширади. 1.6.Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар тўғрисида маълумот берилади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
<b>2-босқич.</b> <b>Билимларни фаоллаштириш (10 дақиқа).</b>	2.1. Мавзунинг муҳим қирралари, таянч тушунчалари ва маърузада ечиладиган масалалар кўрсатилади. 2.2. Талабалар билимини баҳолаш кўрсаткичлари маълум қилинади	2.1. Аниқлик киритади-лар. Саволлар беради.
	2.1. Талабалар диққатини бир ерга жамлаш учун қуйидаги саволларни ўртага ташлайди: - Узоқ Шарқ ва Жанубий Шарқий Осиё ҳудуди деганда қайси минтақани тушунасиз? - Кичик Осиё жуғрофий атамасини эшитганмисиз? 2.2. Ўқитувчи кўргазмали материалларни қўллаган ҳолда маърузани баён этади. 2.3. <b>Японшунослик</b> (Ғарбда “японистика”) – Япон оролида жойлашган халқнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма меросини ўрганади. Ўзбек шарқшунослигининг кенжа тармоқларидан.	2.1. Эшитади. Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Кўрсатилган кўргазмали жадвалларнинг мазмунини муҳокама қилади. 2.3. Эслаб қолади, қайд этиб олади.

<p><b>3- босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(55 дақиқа).</b></p>	<p><b>2.4 Корейшунослик</b> (Ғарбда “Кореистика”) — Корейс ярим оролида жойлашган халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, қадимги ёзма манбалари ўргаувчи йўналиш.</p> <p><b>2.5 Туркшунослик</b> (Ғарбда “Тюркология”) – Дунёдаги қадимги ва замонавий туркий халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ёзма ёдгорликларини ўрганувчи тармоқ.</p> <p>2.6. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>2.4. Ёзиб олади ва эслаб қолади.</p> <p>2.5. Кўрсатилган материалнинг мазмунини муҳокама қилади.</p> <p>2.6. Фактларни қайд этиб боради.</p>
<p><b>4- босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b></p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа: Туркий халқларнинг жойлашув минтақалари харитасини чизиб келиш вазифа қилиб берилади.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.3. Топшириқни ёзиб олади.</p>

## МАВЗУ БЎЙИЧА КУРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

1- илова





**Японшунослик (Ғарбда “японистика”) – Япон оролида жойлашган халқнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма меросини ўрганади. Ўзбек шарқшунослигининг кенжа тармоқларидан.**

**Корейсшунослик (Ғарбда “Кореистика”) — Корейс ярим оролида жойлашган халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, қадимги ёзма манбалари ўргаувчи йўналиш.**

**Туркшунослик (Ғарбда “Тюркология”) – Дунёдаги қадимги ва замонавий туркий халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ёзма ёдгорликларини ўрганувчи тармоқ.**

<b>5- МАВЗУ</b>	<b>ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗАЛАРИ. ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ШАРҚШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ. ШАРҚ ХАЛҚЛАРИГА ТЕГИШЛИ ҚЎЛЁЗМАЛАР САҚЛАНАДИГАН ЙИРИК ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИ. ДОВРУҚЛИ ШАРҚШУНОСЛАР. ШАРҚШУНОСЛИҚДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА НАШР ВА САЙТЛАР.</b>
-----------------	--

### 1.1. Маъруза орқали ўтиладиган дарснинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза	
Маъруза машғулотининг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари.</li> <li>• Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган дунёнинг йирик кутубхоналари.</li> <li>• Довруқли шарқшунослар.</li> <li>• Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.</li> </ul>	
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари, Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган дунёнинг йирик кутубхоналари, доврүкли шарқшунослар, Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтларни таҳлил этиш.</p>		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари билан таништириш</li> <li>- Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган дунёнинг йирик кутубхоналари ҳақида маълумот бериш</li> <li>- Довруқли шарқшунослар тўғрисида маълумот бериш.</li> <li>- Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар ва уларнинг мундарижаси билан таништириш .</li> </ul>	<p style="text-align: center;">Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари билан таништиради</li> <li>- Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган дунёнинг йирик кутубхоналари ҳақида маълумот бера олади</li> <li>- Довруқли шарқшунослар тўғрисида маълумот бера олади.</li> <li>- Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар ва уларнинг мундарижаси билан таништира олади .</li> </ul>	
Ўқитиш усули ва техникаси	Маъруза, блиц-сўров, ақлий ҳужум	
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, тарқатма материаллар, графиклар, доска, бўр.	
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, жуфтлик ва яккаликда ишлаш	
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор ҳамда компьютер билан жиҳозланган аудитория	

<b>5-МАШҒУЛОТ</b>	<b>МАЪРУЗА ДАРСИНING ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ</b>
-------------------	---


<b>Босқичлар ва унга ажратилган вақт</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
<b>1- босқич.</b>	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Магистр</b>

<b>Кириш қисми (5 дақиқа).</b>	1.3. Магистрлар билан сўрашиб, давоматни текширади. 1.4. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
<b>2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 дақиқа.)</b>	2.1. Мавзунинг таянч тушунчаларни ва маърузада ечиладиган масалаларни намоёни қилади. 2.2. Магистрлар билимини баҳолаш мезонлари маълум қилинади	2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
<b>3- босқич. Асосий қисм (55 дақиқа).</b>	2.1. Талабалар диққатини бир ерга қаратиш учун куйидаги саволларни ўртага ташлайди: - Арабистон ярим ороли тўғрисида нималар биласиз? - Ислом дини тарихи тўғрисида билганларинингизни гапиринг? - Нима сабабдан араб ёзувли матнга муқаддас нарсага муносабатда бўлагани сингари қараймиз? 2.2. Ўқитувчи кўргазмали материалларни қўллаган ҳолда маърузани баён этади. 2.3. Дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларининг олий ўқув юргларида шарқшунослик йўналиши бўйича мутахассислар етиштирилмоқда. Айниқса, шарқшунослик Европа, Америка, Россия таълим тизимида шарқшунос кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. 2.4. Дунёнинг доврқли шарқшунослари каторига Абель-Ремюза, Браун Э., Кёрёши Чома, Паллас П., Пеллио П., Рамстедт Г., Шампольон Ж., Шор М., Алпатов В., Владимирцов Б., Дмитриев Н., Дьяконов И., Корш Ф., Минорский В., Ольденбург С., Поливанов Е., Рерих Н., Щербатской Ф. Кирадини кўрсатиш мумкин. 2.5. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Кўрсатилган кўргазмали жадвалларнинг мазмунини муҳокама қилади. 2.3. Эслаб қолади, қайд этиб олади. 2.4. Ёзиб олади ва эслаб қолади. 2.5. Фактларни қайд этиб боради.
<b>4- босқич. Яқуний қисм (10 дақиқа).</b>	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил иш учун вазифа: Дунёнинг доврқли шарқшунослари тўғрисида маълумотларни тўплаб, конспект қилиш вазифа қилиб берилади.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.3. Топшириқни ёзиб олади.

## МАВЗУНИНГ КЎРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- илова

**ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИ**



**ПАРИЖ, БЕРЛИН, ЛОНДОН, ИНДИАНА, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИТО ШАРҚШУНОСЛИК МАРКАЗЛАРИ.**

2- илова

## ДУНЁНИНГ ДОВРУҚЛИ ШАРҚШУНОСЛАРИ

Абель-Ремюза, Браун Э.,  
Кёрёши Чома, Паллас П.,  
Пеллио П., Рамстедт Г.,  
Шампольон Ж., Шор М.,  
Алпатов В., Владимирцов Б.,  
Дмитриев Н., Дьяконов И.,  
Корш Ф., Минорский В.,  
Ольденбург С., Поливанов Е.,  
Рерих Н., Щербатской Ф.  
Киради.

<b>6- МАВЗУ</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚШУНОСЛИГИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ОМИЛАР. АСАРЛАРИ БИЗГА ҚАДАР ЕТИБ КЕЛГАН ИЛК ШАРҚШУНОСЛАР.</b>
-----------------	--

### 1.1. Амалий дарсинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Суҳбат усули асосидаги амалий дарс	
Амалий машғулотнинг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар.</li> <li>• Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар.</li> </ul>	
<p>• <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар., асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар тўғрисида маълумотлар етказиш.</p>		
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар билан таништириш.</li> <li>• Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар тўғрисида маълумот етказиш.</li> </ul>	<p style="text-align: center;">Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар билан таништиради.</li> <li>• Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар тўғрисида маълумот етказа олади.</li> </ul>	
Ўқитиш усули ва техникаси	Суҳбат усули асосидаги амалий дарс, баҳс, ақлий ҳужум.	
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, яккаликда ишлаш	
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, маркер, скоч, А4 қоғози, конспектлар	
Ўқитиш шарт-шароити	Дарс ўтишга мўлжалланган аудитория	


### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Босқичлар ва унга ажратилган вақт	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Магистр
<b>1- босқич.</b>		
<b>Кириш қисми (15 дақиқа).</b>	<p>1.1. Амалий машғулот мавзуини, мақсадини эълон қилади. Уларнинг аҳамиятини ва муҳимлигини асослайди.</p> <p>1.2. Амалий дарс суҳбат кўринишида ўтишини эълон қилади.</p>	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
	2.1. Талабаларни ўтилган мавзулар юзасидан суҳбат саволлари билан таништиради	2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар.

<p><b>3- босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(55 дақиқа).</b></p>	<p>- Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар тўғрисида нималар биласиз? - Асарлари бизга қадар етиб келган илк шарқшунослар тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз? 2.2. Талабаларлар ўртасида суҳбат ва баҳсни ташкил этади: - ҳар бир жавобнинг мазмуни ва мантиқийлигига эътибор беради; - саволлар беришни таклиф этади; - турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради; - ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди. 2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради.</p>	<p>2.2. Магистрлар саволларга жавоб қайтаради ва ўз фикрларини билдирадилар. Қўшимчалар қилади ва саволлар берадилар.</p>
<p><b>3- босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b></p>	<p>3.1. Амалий машғулотини яқунлайди, саволлар бўйича хулосалар чиқаради, суҳбат қатнашчиларини баҳолайди. 3.2. Мустақил ишлаш учун уйга вазифа беради (Марказий Осиёдаги етакчи шарқшунослар).</p>	<p>3.1 Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. 3.2 Топшириқни оладилар.</p>

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1- илова



2- илова



**ЎЗБЕК  
ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ  
ЮЗАГА КЕЛУВИ**

ИЛК ЎРТА АСРЛАР ЎЛКАМИЗДА БУДДИЗМ ДИНИНГ КИРИБ КЕЛГАНИ ВА БУЮК ИПАК ЙўЛИДА ЖОЙЛАШГАН ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ, ДИНИЙ, АДАБИЙ АЛОҚАЛАР КУЧАЙГАНЛИГИ, ТАРЖИМА АДАБИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЎТГАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ЎША КЕЗЛАР ТУРКИЙ ТИЛГА САНСКРИТ (АНАТКАК), ТОҲАР (ТЎХРИЙ), СУҒД (СЎҒДАК), ХИТОЙ (ТАБҒАЧ) ТИЛЛАРИДАН КўПЛАБ БУДДА АСАРЛАРИНИ ТАРЖИМА ҚИЛАДИГАН ШАРҚШУНОСЛАР ЕТИШИБ ЧИҚҚАН.

<b>10- МАВЗУ</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК МАРКАЗЛАРИ ВА ЕТАКЧИ ШАРҚШУНОСЛАР.</b>
------------------	---


### 1.1. Амалий дарснинг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Сухбат усули асосидаги амалий дарс
Амалий машғулотнинг режаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар.</li> <li>ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фонди.</li> </ul>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар, ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фонди тўғрисида маълумотлар етказиш.</p>	

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар билан таништириш.</li> <li>ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фонди хусусида фактларни етказиш.</li> </ul>	<p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар билан таништира олади.</li> <li>ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фонди хусусида фактларни етказа олади.</li> </ul>
Ўқитиш усули ва техникаси	Сухбат усули асосидаги амалий дарс, баҳс, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ, яккаликда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Дарс етакчиси, проектор, маркер, скоч, А4 қоғози, конспектлар
Ўқитиш шарт-шароити	Дарс ўтишга мўлжалланган аудитория

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

<b>Босқичлар ва унга ажратилган вақт</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Магистр</b>
<b>1- босқич.</b> <b>Кириш қисми</b> <b>(15 дақиқа).</b>	1.1. Амалий машғулот мавзуини, мақсадини эълон қилади. Уларнинг аҳамиятини ва муҳимлигини асослайди. 1.2. Амалий дарс сухбат кўринишида ўтишини эълон қилади.	1.2. Эшитади, ёзиб олади.
<b>3- босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(55 дақиқа).</b>	2.1. Талабаларни ўтилган мавзулар юзасидан сухбат саволлари билан таништиради - Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшуносларидан кимларни биласиз? - ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фонди хусусида эшитганмисиз? 2.2. Талабаларлар ўртасида сухбат ва баҳсни ташкил этади: - ҳар бир жавобнинг мазмуни ва мантиқийлигига эътибор беради; -саволлар беришни таклиф этади; -турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради; -ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди. 2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради.	2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар.  2.2. Магистрлар саволларга жавоб қайтаради ва ўз фикрларини билдирадилар. Қўшимчалар қилади ва саволлар берадилар.
<b>3- босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> <b>(10 дақиқа).</b>	3.1. Амалий машғулотини яқунлайди, саволлар бўйича хулосалар чиқаради, сухбат қатнашчиларини баҳолайди. 3.2. Мустақил ишлаш учун уйга вазифа беради (ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фонди).	3.1 Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. 3.2 Топшириқни оладилар.



\*\*\*\*\*

### **ФАННИНГ РЕЙТИНГ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ ИШЛАНМАСИ**

Ушбу рейтинг ишланмаси 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналишида таълим олаётган талабаларига мўлжалланган бўлиб, бу босқичда ўтиладиган фанларда талабалар билими 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Умумий баллнинг **30% ЖБ** орқали, **20% ОБ** орқали ва **30 % ЯБ** орқали қолган **20 % МТ** орқали йиғилади.

ЖБ баллари маърузалар ва амалиётда ўқитилган мавзуларнинг ўзлаштириш даражасига ва дарсда фаол иштирокига қараб қўйилади. ЖБ баллари ўқув семестри давомида икки маротаба қайд этилиб, биринчи ЖН да 15 балл, иккинчи ЖН да 15 балл тўплаш имкони мавжуд бўлади.

ОБ баллари эса тестлар, ёзма ва оғзаки сўров орқали амалга оширилади. Бунда талаба ўтилайётган фаннинг ўзак йўналишларини ўзлаштириш даражасига қараб баҳоланади. ОБ икки ОН ичига олган бўлиб, ҳар икки ОН да 10 баллдан тўплаш имкони мавжуддир.

ЯБ да талаба ўқув йилининг биринчи ва иккинчи ярим йиллигида бир маротабадан синалиб 30 балл асосида баҳоланади. ЯБ якунловчи баҳолаш тизими ҳисобланиб, бунда талабанинг бутун курсни ўқиш жараёнида олган билими синалади. Баҳолашнинг бу тури ёзма иш, тест ёки оғзаки сўровларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб,  $15+15+10+10+30=80 + 20\text{МТ}=100$  балл ҳосил бўлади.

#### **Юқорида келтирилган умумий баҳолаш тизимидан келиб чиққан ҳолда бир дарснинг рейтинг ишланмаси**

**I.** Филология йўналишида ўқитилаётган фанлар бўйича бир дарс учун ЖН максимал балл 1 ёки 2 бўлиб, бу балл қуйидаги мезон асосида тақсимланади:

1. Талабанинг мустақил, ижодий мушоҳада юритгани учун – 0,2 ёки 0,4 балл
2. Ўқитилган мавзунини ўзлаштиргани учун – 0,3 ёки 0,6 балл
3. Дарсда фаол иштироки ва саволларга жавоб бергани учун - 0,2 ёки 0,4 балл
4. Берилган топшириқларни бажаргани учун - 0,3 ёки 0,6 балл

#### **Мустақил таълим 10 балл**

Юқоридагилардан ташқари, биринчи ва иккинчи оралиқ назоратларда жорий баҳолашга ажратилган мустақил таълимнинг максимал балли ўз навбатида иккига бўлинади ва талаба мустақил таълим учун олган вазифа ва топшириқларини (бунда мавзу ва топшириқлар талабага олдиндан берилган бўлади) бажарганликлари натижасида, ҳар оралиқ назоратда 5 баллдан тўплаш имконига эга:

#### 5 балл

а)	Топшириқни кенг, тўлиқ ва аъло даражада бажарса	– 4,4-5,0
б)	Топшириқни яхши бажарса	– 3,6-4,3
в)	Топшириқни ўртача даражада амлга оширса	– 2,8-3,5
г)	Топшириқни умуман бажармаса	– 0-2,7

II. ОН баҳолаш учун максимал балл 10 бўлиб, бу балл қуйидагича тақсимланади:

1. Ўтилган мавзулардан олган билимини амалда қўллаш олгани учун – 2.5 балл
2. Маъруза дарслар давомида ўтилган мавзуларнинг моҳиятини тушунгани учун – 2.5 балл
3. Фаннинг ўзак йўналишлари бўйича тасаввурга эга бўлгани учун – 2.5 балл
4. Мавзуларни тушуниб айтиб бергани учун – 2.5 балл

Шунингдек, оралиқ баҳолаш ўз навбатида оралиқ баҳолаш ва мустақил таълимга тақсимланади. Бунда **биринчи ва иккинчи оралиқ назоратда оралиқ баҳолашга 10 баллдан, мустақил таълимга ҳам 5 баллдан ажратилади.** Талаба ҳар оралиқ назоратда мустақил таълимга берилган топшириқлар учун 5 баллни 2 ва 3 шартлар бўйича тўплаш ҳуқуқига эга (бунда мавзу ва топшириқлар талабага олдиндан берилган бўлади).

#### Мустақил таълим 5 балл

Мустақил ўзлаштириш учун берилган топшириқлар учун

а)	Берилган топшириқни тўлиқ ўзлаштира	– 4,4-5,0
б)	Берилган топшириқни қониқарли ўзлаштира	– 3,6-4,3
в)	Берилган топшириқни ўртача ўзлаштира	– 2,8-3,5
г)	Берилган топшириқни уддалай олмаса	– 0-2,7

III. ЯБ баҳолаш учун максимал балл 30 бўлиб, бу балл қуйидагича тақсимланади:

1. Якуний назорат иши сифатида берилган ёзма ишдаги саволларнинг барчасига жавоб ёзилган бўлса – 10 балл.
2. Жавобларда талабанинг ижодий ёндашуви кузатилса – 10 балл
3. Жавобларда талабанинг таҳлилий мушоҳада юритиш иқтидори кўринса – 10 балл.

Агар якуний назорат ёзма иш асосида баҳоланса, унда ёзма ишнинг баҳолаш ўлчовлари қуйидагича бўлиши мумкин:

#### Максимал 30 балл

#### 27- 30 балл (аъло)

Ҳар учала саволга тўлиқ, батафсил, фикрлари мисоллар ёрдамида асосланган ҳолда жавоб ёзилса, шунингдек, жавобларда ижодий ёндашув ва эркин мушоҳада сезилиб турса.

#### 23 - 26 балл (яхши)

Иккита саволга тўлиқ, биттасига чала жавоб берилган бўлса, фикрларини асослашда айрим камчиликларга йўл қўйган бўлса.

### **19 - 23 балл (ўрта)**

Битта саволга тўлиқ жавоб ёзиб қолган иккита саволга қисман жавоб ёзилган бўлса, фикрлари мисоллар ёрдамида асосланган бўлмаса, жавобларда ижодий ёндашув ва эркин мушоҳада сезилиб турмаса.

#### **Эслатма:**

ЖБ нинг асосий мезони сифатида оғзаки жавобларнинг тўлиқлиги, талабанинг фан бўйича таянч тушунча ва маълумотларни ўзлаштиргани ҳамда йўналиш доирасига тегишли илмий адабиётларни ўқиб чиққанлигига қараб максимал 12.8-15 баллга қадар қўйиш мумкин.

ОБ да эса тест ва ёзма саволларга тўғри ва асосли жавоб бера олишига қараб максимал 8-10 балл қўйиш мумкин.

ЯНда ярим йил мобайнида фан бўйича тайёрланган эссе, реферат, конспект ва илмий маърузаларни текшириш ҳамда ёзма иш натижалари ҳисобга олинади. Талаба ЯНни юқори савияда топширса, унга максимал 25.8-30 баллга қадар қўйиш мумкин

**\*\*\*\*\***

## **ФАННИНГ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

### **Оралик назорат саволлари**

1. “Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари.
3. Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари.
4. Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари.
5. Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари.
6. Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари.
7. Ўзбекистон шарқшунослиги.
8. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.
9. Филология тушунчаси. Филологиянинг соҳалари.
10. Турк филологияси шарқ филологиясининг етакчи тармоғи сифатида.
11. Дунё туркшунослиги мактаблари.
12. Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.
13. Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар.

### **Жорий назорат саволлари**

1. “Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Шарқшуносликнинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари.
3. Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари.
4. Арабшунослик.
5. Эроншунослик.
6. Вьетнамшунослик.
7. Ҳиндшунослик.
8. Хитойшунослик.
9. Корейшунослик.
10. Малайшунослик.
11. Индонезшунослик.
12. Семитология.

13. Мўғулшунослик.
14. Тибетшунослик.
15. Туркшунослик.
16. Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари.
17. Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари.
18. Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари.
19. Доврукли шарқшунослар.
20. Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.
21. Ўзбекистон шарқшунослиги.
22. Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар.
23. Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар.
24. ЎзР ФА Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.
25. Филология тушунчаси.
26. Филологиянинг соҳалари. Тил ва адабиёт бирлиги масаласи.
27. Шарқ филологиясининг керакли йўналишлари.
28. Турк филологияси шарқ филологиясининг етакчи тармоғи сифатида.
29. Дунё туркшунослиги мактаблари.
30. Доврукли туркшунослар.
31. Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.
32. Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар.

## **Яқуний назорат саволлари**

### **1- Вариант**

“Шарқшуносликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.  
 Шарқшуносликнинг юзага келиши ва таракқиёт босқичлари.  
 Шарқшуносликнинг муҳим тармоқлари.

### **2- Вариант**

Арабшунослик.  
 Дунёнинг етакчи шарқшунослик мактаблари.  
 Шарқ халқларига тегишли қўлёзмалар сақланадиган йирик қўлёзма фондлари.

### **3- Вариант**

Эроншунослик.  
 Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.  
 Ўзбекистондаги шарқшунослик марказлари ва етакчи шарқшунослар.

### **4- Вариант**

Вьетнамшунослик.  
 Филология тушунчаси.  
 Ўзбекистондаги туркшунослик марказлари ва етакчи туркологлар

### **5- Вариант**

Ҳиндшунослик.  
 Марказий Осиёда шарқшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлган омилар.  
 Филологиянинг соҳалари. Тил ва адабиёт бирлиги масаласи.

### **6- Вариант**

Хитойшунослик.  
Турк филологияси шарқ филологиясининг етакчи тармоғи сифатида.  
Ўзбекистон шарқшунослиги.

#### **7- Вариант**

Корейшунослик.  
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёмалар  
фонди  
Туркологияда ўз ўрнига эга нашр ва сайтлар.

#### **8- Вариант**

Малайшунослик ва индонезшунослик.  
Шарқшуносликнинг ўқув ва илмий марказлари.  
Доврукли шарқшунослар.

#### **9- Вариант**

Семитология.  
Дунё туркшунослиги мактаблари.  
Доврукли туркшунослар.  
1.

#### **10- Вариант**

Мўғулшунослик ва Тибетшунослик.  
Туркшунослик.  
Шарқ филологиясининг керакли йўналишлари.

\*\*\*\*\*

### **ФАННИНГ МУСТАҚИЛ ТОПШИРИҚЛАРИНИ УЮШТИРИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ**

Талабалар мустақил топшириқларни тайёрлаш жараёнида қуйидаги  
кўрсатмалардан фойдаланишлари тавсия этилади:

#### **Мустақил топшириқларнинг мавзулари:**

1. Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг даврий нашри “Шарқшунослик”, “Шарқ машъали” ва “Маяк востока” журналларида берилган мақолаларни ўқиб ўрганиш.
2. Россия Фанлар академиясининг нашри “Востоковедение” ва Москва Давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг илмий нашри “Народы Азии и Африки” журналларида босилган мақолларни таҳлил қилиш.
3. Парижда чоп этиладиган “Журнал Азиатик”нинг мундарижаси ва унда бериладиган мақолаларни ўқиб ўрганиш.
4. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёмалар фонди каталоги билан танишиш.
5. Шарқшуносликда ўз ўрнига эга нашр ва сайтларда берилган маълумотларни ўзлаштириш.

## ФАНИНИНГ АТАМА ВА ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ ИЗОҲЛИ СЎЗЛИГИ

### ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

**Шарқшунослик** (Ғарбдаги “ориенталистика” деб юритилади) – Шарқ халқларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликлари ўрганувчи фанларнинг йиғидиси.

**Арабшунослик** (Ғарбда “арабистика” деб аталади) – дунёдаги араб мамлакатлари халқларининг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма обидаларини ўрганувчи соҳа. Шарқшуносликнинг етакчи ва таракқий этган тармоқларидан бири.

**Ҳиндшунослик** (Ғарбда “Индология” ёки “индианистика”) - Жанубий Осиёда жойлашган Ҳиндистон мамлакатида яшовчи халқларининг тили, адабиёти, тарихи, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ўргаувчи шарқшуносликнинг тармоғи.

**Хитойшунослик** (Ғарбда “Синология”) – қадимги ва ҳозирги Хитойнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликларини ўрганувчи соҳа. Синология замонавий шарқшуносликнинг жадал ўсаётган тармоғи.

**Эроншунослик** (Ғарбда “Иранистика”) – ҳинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳига кирувчи халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма манбаларини ўрганувчи йўналиш.

**Японшунослик** (Ғарбда “японистика”) – Япон оролида жойлашган халқнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма меросини ўрганади. Ўзбек шарқшунослигининг кенжа тармоқларидан.

**Корейшунослик** (Ғарбда “Кореистика”) — Корейс ярим оролида жойлашган халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, қадимги ёзма манбалари ўргаувчи йўналиш.

**Туркшунослик** (Ғарбда “Туркология”) – Дунёдаги қадимги ва замонавий туркий халқларнинг тили, адабиёти, тарихи, иқтисоди, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси ёзма ёдгорликларини ўрганувчи тармоқ.

**Филология** (юнон тилидаги “сўзни севиш” англамидаги *φιλολογία* сўзидан) – тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик фанларини ўзида камраган соҳа. Кишилиқ тарихидаги энг эски йўналишлардан бири.

**Шарқ филологияси** эса ана шу умумфилологиянинг бир тармоғи бўлиб, у шарқ халқларининг тили, адабиёти, ёзма мероси сингари соҳаларни ўрганади. Шарқ филологиясининг муҳим йўналишларига араб, форс, турк, хитой, ҳинд, корейс, япон филологияси киради

### АТАМАЛАР

**АГГЛЮТИНАТИВ ТИЛЛАР.** Сўз ясалиши ва шакл ясалиши агглютинатив йўли билан бўладиган тиллар. Мас., туркий тиллар, фин-угор тиллари.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** (лот. Agglutinare - ёпиштирмак). 1. Сўз ясалиш ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши). Бунда ғар бир аффикс маълум бир маъно, вазифа билан қатнашади. Мас. Туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шакллари асосгаи маълум изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси билан қатнашади: тер-им-чи-лар-имиз-га.

**АДАБИЙ МЕЪЁР.** Тил бирликларининг адабий тил қоида-талабларига мос ҳолда, намунавий тарзда қўлланилиши, тилнинг адабийлигини таъминловчи воситаларни белгиловчи меъёр.

**АДАБИЙ ТИЛ.** Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакл. Адабий тилининг икки шакли бор: 1) ёзма шакли, 2) оғзаки шакли.

**АКАДЕМИК ГРАММАТИКА.** Мамлакатнинг асосий илмий ташкилоти – Фанлар академияси томонидан нашрга тайёрланган илмий грамматика. Мас, “Фан” нашриёти томонидан 1975-1976 йилларда нашр этилган икки жилдлик “Ўзбек тили грамматикаси”.

**АКЦЕНТ** (лот. *accentus* - урғу). Бошқа тилда сўзлаганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тил товушлари каби талаффуз этиш: ўзбекча акцент билан гапирмоқ..

**АЛИФБО.** Ёзув шакллари (ҳарф ва белгиларнинг) мажмуи, маълум тартибда жойлашган ҳолати: ўзбек алифбоси.

**АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК.** Тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (мас. Машина таржимаси) ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалар (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).

**АМОРФ ТИЛЛАР** (юн. *Amorphos* – шаклсиз, шаклга эга бўлмаган). Аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., хитой тили.

**АНАЛИТИК ТИЛЛАР** (юн. *Analytikos* – ёйиқ, ёйилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) сўз шакллари (шакл ясовчи қўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланадиган тиллар. Мас. Инглиз. Француз, испан тиллари аналитик тиллар гуруҳига киради. Қиёс. **Синтетик тиллар.**

**АНОМАЛИЯ** (юн. *anomalía* – меъёрдан четлашиш; нотўғрилиқ). Умумий стандарт типга мувофиқ келмайдиган, меъёрдан четлашадиган шакл, тузилма ва б.

**АНТИК ГРАММАТИКА.** Антик филологлар томонидан қадимги тиллар асосида яратилган, лекин умумийликка эга бўлмаган грамматик қонуниятларни очиб берадиган грамматика деб тасаввур қилинувчи грамматика.

**АНТОНИМИЯ.** Тил бирликларининг семантик жиҳатдан ўзаро зид, қарама – қарши бўлиш ҳодисаси: Лексик антонимия. Аффиксал антонимия. Синтактик антонимия. Қ. **Антонимлар.**

**АНТОНИМЛАР** (юн. *anti* – қарши, зид; *опута* - ном). ўзаро зид, қарама – қарши маъноли тил бирликлари: катта-кичик, баланд-паст, узоқ-яқин, яхши-ёмон (лексик антонимлар); -ли –сиз; кумли-кумсиз (антоним аффикслар); эсига келмоқ – ёдидан кўтарилмоқ, кўнгли очиқ – кўнгли қора (фразеологик антонимлар) ва б.

**АНТРОПОЛОГИК ЛИНГВИСТИКА** (юн. *anthropos* – одам; *logos* - таълимот). Тилшуносликнинг ўз ёзувига эга бўлмаган тилларни ўрганувчи бўлими.

**АНТРОПОНИМ** (юн. *antropos* – одам, *опута* - ном). кишининг атоқли оти, исм.

**АНТРОПОНИМИКА.** Лексикологиянинг (ономастиканинг) киши номларини ўрганувчи бўлими.

**АНЪАНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК.** Тилшуносликдаги фақат тил қисмлари ва тузилишининг ички муносабатларини, боғлиқликларини ёритиш билан бирга тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан, шу тилда сўзлашувчи жамоа билан алоқаси каби масалаларни ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналишлар. Бу йўналишларга структурализм ўзини қарама-қарши қўяди. Қ. **Структурализм.**

**АРГО** (франц. *Argot* - жоргон). Ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифанинг (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар в.б.) ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат тил ясама тили. Мас., колхоз – чиптасиз йўловчилар (хайдовчилар тилида).

**АРЕАЛ** (лот. *arealis* \ *area* – майдон, макон). Фонетика, лексик, грамматик ҳодисаларнинг тарқалиши доираси. Қ. **Изоглосса, Лингвистик география.**

**АРЕАЛ ЛИНГВИСТИКА.** 1. тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси.

2. Тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

**АРТИКУЛЯЦИЯ** (лот. articulatio/ articulare – аниқ-равшан айтмоқ). Нутқ аъзоларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати. Товушларнинг ҳосил бўлишида нутқ аъзоларининг иштироки, ҳолати нуктаи назаридан артикуляцияда икки нарса фарқланади: 1) артикуляция ўрни (қ), 2) артикуляция усули (қ). Жараён сифатида артикуляциянинг уч фазаси фарқланади: 1) приступ (қ), 2) видержка (қ), 3) отступ (қ).

**БАДИЙ УСЛУБ.** Функционал услубнинг турларидан бўлиб, у тилнинг каммуникатив ва эстетик вазифаларнинг бирлиги билан, бошқа услубларга ҳос унсурлардан кенг фойдаланиши, экспрессив ва тасвирий воситаларнинг кенг қўлланиши ва ш.к. белгилари билан ажралиб туради. Қ. **Услуб.**

**БИЛИНГВИЗМ** (лот. bi/ bis – икки марта+lingua - тил) – айн. Икки тиллилик.

**БИР ТИЛ ЛУҒАТИ.** Сўзлиги ва унга бериладиган таъриф тавсифлар бир тил (ўз тил) материалдан бўлинадиган луғат. Бундай луғатлар **бир неча турга эга.** Мас. *Изоҳли луғат* (қ), *имло луғати* (қ), *синонимлар луғати* (қ) ва ҳ. Қиёс. **Икки тилли луғат.**

**БОБО ТИЛ.** Генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиш манбаи тикланадиган мавҳум лингвистик модель.

**ВОСИТА ТИЛ.** Миллатлар, элатлар орасида аълоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тил.

**ВУЛЬГАРИЗМЛАР** (лот. vulgaris – оддий, содда) – қ. **Дағал сўз, Дағал ибора.**

**ГЕРМАНИЗМ** (лот. germanus - герман). Герман тилларидан ўзлашган, лекин ёд унсурлар экани сезилиб турадиган сўз ёки иборалар: денди, мисс ва б.

**ГЛОССАРИЙ.** Бирор асар, айниқса қадимги асарлардаги эскирган ва кам қўлланадиган, тушуниши қийин бўлган сўзлар изоҳланадиган луғат.

**ГРАММАТИКА** (юн. grammatike – ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати). 1. тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Ўрганиш манбаи, материали ва вазифаси нуктаи назаридан грамматиканинг бир неча тури фарқланади: 1) тарихи грамматика (қ); 2) тасвирий грамматика (қ); 3) формал грамматика (қ). Ўзаро қардош ёки қардош бўлмаган тиллар грамматик қурилишни солишритиб ўрганишига кўра грамматиканинг икки тури фарқланади: 1) чоғиштира грамматика (қ); 2) қиёсий грамматика (қ).

**ГРАФЕМА** (юн. grafhe – шакл, сурат). Ёзув бирлиги. Бундай бирлик сўздаги, гаптаги ўрнига кўра, услуб ва ҳ.га қараб, катта ва кичик шаклига (**А, а**), қора ва курсив шаклига (**а, а**) эга ва ҳ. Графема бир товушнинг ҳам, икки ёнма-ён товушнинг ҳам ифодаси бўлиши мумкин. Мас. ё (й + о), е (й + э), ю (й + у), я (й + а) графемалари.

**ГРАФИКА** (юн. graphike - ёзма). 1. нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизиши: рус графикаси, араб графикаси.

**ГРЕЦИЗМ.** Грек (юнон) тилидан ўзлашган, лекин ёт унсур экани сезилиб турадиган бирликлар (сўз, ибора ва б.). Қ. **Варвазризм.**

**ДЕСКРИПТИВ ЛИНГВИСТИКА** (ингл. Descriptive - тасвирий). Ҳозирги тилшуносликда америка структурализми деб номланувчи йўналиш. Бу йўналиш тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив метод асосида ўрганади. Қ. **Структурализм. Дистрибутив метод.**

**ДИАКРИТИК БЕЛГИ** (юн. diakritikos - фарқловчи). Ҳарфга қўшимча равишда бириктирилиб, бошқача товушни кўрсатувчи ҳарф ҳосил қилишда қатнашадиган белги. Мас. ё ҳарфидаги икки нукта, қ ҳарфидаги остки белги ва б.

**ДИАЛЕКТ** (юн. dialektos – шева, лаҳжа). Умумхалқ тилининг сон жиҳатдан кам бўлган, бироқ ҳудудий, касб-хуран ва б. жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар

томонидан қўлланадиган кўриниши. Қ **Касб-хунар лексикаси. Социал диалект, Маҳаллий (худудий) диалект.** Қиёс. **Лаҳжа, Шева.**

**ДИАЛЕКТАЛ ЛУҒАТ** . тилнинг диалектал ва шеваларига хос фонетик ёки маъно жihatдан адабий тилдагина фарқ қиладиган сўзларни файд этадиган луғат (мас. “Ўзбек халқ шевалари луғати”. “Фан ” нашриёти, Тошкент, 1971).

**ДИАЛЕКТИЗМЛАР.** Бирор диалектга хос бўлган тил бирликлари. Диалектизм сўз, ибора ёки бошқа бирликлар бўлиши мумкин. Мас. жаман (ёмон), чоч (соч) – фонетик диалектизм; патинжон (памидор), болиш (ёстик) – лексик диалектизмлар; кўчага кўрдим (кўчада кўрдим) – грамматик диалектизм ва ҳ.

**ДИАЛЕКТОЛОГИЯ** (юн. *dialektos* – шева, лаҳжа+*logos* – тушунча, таълимот). Тилшуносликнинг диалект, лаҳжа ва шеваларни ўрганувчи бўлими.

**ДИАХРОНИЯ** (юн. *dia* – орқали + *chronos* – вақт). Айрим тил ходисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик ўрганиш манбаи сифатида. Қиёс. **Синхрония.**

**ДОМИНАНТА** (лот. *dominans, dominantis* - ҳоким). Синонимик қатордаги бош сўз: бу сўз синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган денотатив маънони ифодалайди. Мас. *юз – бет – афт – башара – чехра – жамол – дийдор – ораз – узоқ – рухсор* синонимик қаторида *юз* сўзи доминанта ҳисобланади.

**ДУБЛЕТЛА** (фран. *Doublet / double* - иккили). Бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил бирликлари. Мас. *тилчи – тилшунос, адаб – одоб, арзийдиган – арзирли* ва б. Қ. **Абсолют синонимлар, Вариант.**

**ЁЗУВ.** 1. Нутқни қоғозда (ёки бошқа нарсада ) акс эттириш учун хизмат қиладиган харфий график шакллар тизими, шу тизимга асосланувчи алоқа воситаси

**ЁРДАМЧИ СУЗЛАР.** Мустақил ҳолда гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган, турлича ёрдамчи маъно ва вазифаларда қўлланадиган сўзлар, ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар маъно ва вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) кўмакчи (қ.); 2) боғловчи (қ.); 3) юклама (қ.).

**ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР.** Ёрдамчи вазифасида қўлланиб,қўшма феъл ҳосил қилиш, феълнинг аналитик шаклини яшаш учун хизмат қилувчи шунингдек боғлама вазифасини бажарувчи феъллар.Улар ўз вазифасига кўра уч турга бўлинади: 1) қўшма феъл ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар : *қил,айла,эт,бўл,қабул қилмоқ,рухсат этмоқ* каби; 2) феълнинг аналитик шаклини ҳосил қилувчи ёрдамчи феъллар (булар одатда кўмакчи феъллар деб юртилади): *бошла,чиқ, юбор* ва б.:*кела бошлади,ўқиб чиқдим,сўраб кўр,йиқитиб юборди* каби; 3) боғлама вазифасини бажарувчи кўмакчи феъллар.Мас., *бўл: инжинер бўлмоқ.*

**ЖАРГОН** (фран. *jargon*). Бирор гуруҳ вакиллариининг, ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. Мас., *новча* (арок), *қизил* (вино) – ичувчилар нутқига хос; *тоғамнинг ўгли* (милиционер, инспектор) – шофёрлар нутқида.

**ЖОНЛИ ТИЛ.**1. Бирор халқнинг алоқа қуроли сифатида хизмат қилиб турган тили. *Зид. Ўлик тил.*

2. Ўзига хос услубий, диалектал ва б. хусусиятга эга бўлган сўз,сўзикмаси ва ш.к.нинг умумий номи:*Болаларга хос ибора.Образли ибора* каби.

**ИДЕОГРАММА.** Идеографик ёзувда сўз англатадиган тушунчани ифодалаш учун қўлланадиган шартли белги — символ.

**ИДЕОГРАФИК ЁЗУВ.** Идиограммалар асосида ёзув. Қ . Идеограмма

**ИДЕОМА** (юн.*idioma* — ўзига хос ифода,ибора) —*айн.Фразеологик чатишма.*

**ИДИОМАТИКА.**1. Бирор тилнинг идиомалари мажмуи.2.Тилшуносликнинг идиомаларни ўрганувчи бўлими; иборашунослик.

**ИЕРОГЛИФЛАР** (юн. *hieroglyphoi* - муқаддас ёзувлар). Бутун бир сўз, бўғи ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиладиган график ифодалар.

**ИЖТИМОЙ ДИАЛЕКТ.** Муаян ижтимоий гуруҳ кишилари фойдалнадиган диалект.

**ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ.** Луғавий бирликнинг маъноси (маънолари) кенг изоҳланадиган, грамматик, услубий ва б. белгилари ҳам қайд этиладиган луғат. Мас., 1980 йилда нашр этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати».

**ИККИ ТИЛЛИЛИК.** Икки тилда бемалол фикрлаша олиш; икки тилни бир хилда эгаллаганлик; зуллисонанлик.

**ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТ.** Бир тилнинг луғавий бирликлари бошқа тилга таржима қилиб бериладиган лиғат. *Қ. Таржима лиғат. Қиёс. Бир тилли лиғат.*

**ИЛМИЙ ГРАММАТИКА.** Назарий фикр-ғояларнинг сўнгги ютуқларига мувофиқ яратиладиган грамматика. *Қ. Грамматика.*

**ИЛМИЙ УСЛУБ.** Функционал услубнинг бу тури терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларининг қўлланиши, сўзларнинг асосан конкрет, тўғри маънода қўлланиши, махсус ибораларга эгаллиги ва ш.к билан ажралиб туради. Илмий услуб ўз ичида қуйдаги майда услубларга бўлинади: **илмий техник услуб, илмий иш услуб, илмий-оммабоп услуб, илмий-публистик услуб.**

**ИМЛО.** Сўз ва унинг маъноли қисмларини ёзиш (қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, чизикча билан ёзиш), бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш, шунингдек, бўғин кўчириш қоидалари тизими. Сўз ва унинг маъноли қисмларининг ёзилиши бир неча принцип асосида қоидалаштирилади.

**ИМЛО ЛУҒАТИ. (орфографик луғат).** Сўзларнинг мавжуд имло қоидаларига биноан тўғри ёзилишини қайд этувчи луғат. Мас., мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган тузилган «Имло луғати» («Ўқитувчи» нашриёти, 1964); С. Иброҳимов, Э. Бегматов ва А. Аҳмедовлар тузган «Ўзбек тилининг имло луғати» («Фан» нашриёти, 1976).

**ИНТЕГРАЦИЯ.** (*лот. integratio* – бутунлашиш, бирлашиш). Тиллар шунингдек, диалектларнинг ўзаро ноўхшашликлари йўқола бориб, бир умумий тилга бирлашиши. *Қиёс. Дифференциация.*

**ИНТЕРЛИНГВИСТИКА.** Тилшуносликнинг халқаро алоқалашув воситалари сифатида турли ёрдамчи тилларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганувчи бўлими.

**КАЛЛИГРАФИЯ.** (*юн. kalligraphia* — чиройли дасхат) — қ. **Хуснихат.**

**КОМПАРАТВИСТИКА** (*лот. comparativis* — қиёсий) — қ. **Қиёсий-тарихий тилшунослик.**

**КОНТЕКСТ** (*лот. contextus* — яқин алоқа, бирикиш, қўшилиш) — қ. **Нутқий матн**

**КРИПТОГРАФИЯ** (*юн. kryptos* — махфий, яширин — *grapho* — ёзаман). Махфий хат турларидан бири (шифр қўллашга асосланган ёзув тури).

**КРИТОЛОГИЯ.** Махфий тиллар, уларни тузиш қонуниятларини, ўқиб тушунтириб бериш усуллариини ўрганувчи фан.

**ЛАТИНИЗМ.** (*лот. latinus* — лотинча). 1. Лотин тилидан ўзлашган, лекин ётқани сезилиб турадиган сўз ёки ибора. 2. Умуман лотин тилидан ўзлашган сўз ёки ибора.

**ЛАҲЖА.** Махаллий диалектнинг бир неча шевадан иборат гуруҳи. *Қиёс. Шева.*

**ЛЕКСИКОГРАФИЯ.** (*юн. lexikos* — луғат *grapho* — ёзаман). қ. **Луғатшунослик. Луғатчилик.**

**ЛЕКСИКОЛОГИЯ.** (*юн. .lexikos* — луғатга оид, луғат ҳақидаги *logos* таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини ўрганувчи бўлими. Ўрганиш объекти, васифаси нуқтаи назаридан лексикология уч турга бўлиниди: 1) тарихий лексикология(қ); 2) тасвирий лексикология(қ); 3) қиёсий лексикология(қ);

**ЛИНГВИСТИКА.** (*фран. linguistique* < *лот. lingua* — тил) — *айн.* Тилшунослик.

**ЛИНГВИСТИК ЛУҒАТ.** Луғавий бирликларнинг маъноси, қўлланиши ва бошқа лингвистик хусусиятлари талқин этиладиган луғат. Мас., изоҳли луғатлар, имло луғатлари, таржима луғатлари, лингвистик луғатлардир. *Қиёс. Қомусий луғатлар.*

**ЛУҒАТ. 1. айн. Лексика 1.**

2. Луғавий бирликлар алифбо тартибда жойлаштирилган, турлича изоҳлар берилиб, китоб шаклига келтирилган тўплам. Луғатлар турли мақсадларда тузилади, шунга кўра унинг турлари ҳам кўп. Аввало луғатлар икки асосий турга бўлинади: 1) лингвистик луғат(қ); 2) комусий луғат(қ);.

**ЛУҒАТЧИЛИК.** Луғат тузиш ишлари; лексикография: *Луғатчиликни ривожлантириши.*

**ЛУҒАТШУНОСЛИК.** Тилшуносликнинг луғат тузиш ишларининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланувчи бўлими лексикология.

**МАТЕМАТИК ЛУҒАТ.** Тилшуносликнинг тилни тадқиқ этиш ва ўрганишда математик методларини ўрганувчи соҳаси.

**МАТН.** Ёнма ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст.

**МАХСУС ЛУҒАТ.** Маълум соҳага, маълум қатламларга оид сўзлардан иборат луғат. Бундай луғатларнинг номида қай жихатдан чегараланганлигини ёки қайси қатламга қатга оидликни кўрсатувчи сўзлар бўлади. Мас., «Физика терминлари луғати», «Диалектологик луғат», «Фразеологик луғат» ва б.

**МАҲФИЙ ТИЛ.** Алоҳида ижтимоий гуруҳларга хос, шу гуруҳга оид кишилар тушунадиган ва фойдаланадиган тил.

**МАШИНА ТАРЖИМАСИ.** Матн (текст)ни берилган дастур асосида электрон машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тил.

**МЕЪЁР.** Тил бирликларини у ёки бу кўринишида жамият томонидан аниқланган, белгиланган ишлатиш имконият ва қонуниятлари. Қ. Адабий меъёр. Лексик меъёр. Морфологик меъёр. Синтактик меъёр. Орфоэпик меъёр. Фонетик меъёр. Фонетик меъёр. Сўз ясаиш меъёр.

**МОРФОЛОГИЯ.** (*юн. morphē — шакл—logos—таълимот*).

1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади: *Ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси.*

2. Тилнинг морфологик қурилиши: *Ўзбек тилининг лексикаси ва морфологияси.*

**НАТУРАЛИСТИК ОҚИМ.** Тилни табиий организм сифатида қаровчи лингвистик оқим.

**НАТУРАЛИСТИКЛАР.** Ҳалқаро ёрдамчи тилни табиий миллий тиллар асосида яратиш зарур де билувчи оқим.

**НУТҚ.** 1. Тилнинг амалиёт шакли, воқеаланиши сўзловчининг тил всталаридан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натажасида юзага келадиган ҳодиса.

2. Нутқнинг коммуникация мақсади ва шароитига қараб лексик ва грамматик воситалардан мувофиқини сайлаб ишлатиш билан характерланувчи тури: *Расмий нутқ. Сўзлашув нутқи. Қиёс. Тил.*

**НУТҚ МАДАНИЯТИ.** 1. Филология фанининг жамият тараққиётининг маълум даврида нутқдан фойдаланиш жараёнини ўрганиш, кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қоидаларини илмий асосда белгилаш билан шуғулланадиган бўлими. 2. Нутқнинг миёёрийлигини, унинг маълум тарихий тараққиёт даврида шу тилда сўзлашувчи жамоа томонидан қуйиладиган талабларга мослиги; талаффуз, урғу, сўз қўллаш, сўз ясаиши, нутқнинг меъёрийлиги фикрининг аниқ, равшан ва софлигини ҳам ўз ичига олади.

**ПАРАЛИНГВИСТИКА.** Тилшуносликнинг ўзаро алоқа-аралашувда имо-ишора, мимка, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси.

**ПИКТОГРАФИК ЁЗУВ.** (*лот. pictus — бўёқлар билан тасвирланган — grapho — ёзаман*). Нутқ мазмуни расм, шартли тасвир тарзидаги график шакллар асосида ифодаланадиган ёзув.

**ПСИХОЛИНГВИСТИКА.** Тилшуносликнинг нутқ фаолиятини нутқ акти мазмун билан сўзловчининг мақсад нияти орасидаги алоқадорлиги нуктаи назаридан

ўрганувчи соҳаси. Психология билан лингвистиканинг синтези сифатида юзага келган бу соҳа нутқни идрок этиш, тилни эгаллаш каби масалаларни ўрганади.

**РИТОРИКА.** (юн. rhetorike) Нотиқлик санъати назарияси ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан.

**СЕМАНТИКА.** (фран. semantique < юн. semantikos—ифодаловчи). 1. Тил бирликларининг мазмун, маъно томони.

**СЕМАСИОЛОГИЯ.** (юн. semasia— ифодалаш—logos—тушунча, таълимот). Тил бирликларининг, биринчинавбатда, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа. *Қиёс. Ономосиология.*

**СЕМИОТИКА** (юн. semiotike < semion— белги ). Турли-туман белгилар (рамзлар) тизимининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан.

**СИЛЛАБЛИК ЁЗУВ.** Фонологик бирлик бўлган бўғин.

**СИНГАРМОНИЗМ.** (юн. syn – бирга – harmonia - оҳангдошлик). Сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунлашуви, гармонияси. Бу ходиса айрим туркий тиллар учун, ўзбек тилининг эса айрим шеваларга хос хусусиятидир.

Мас., ўзбек тилининг қипчоқ тип шеваларида учинчи эгалик аффиксининг **и, ы, у** каби вариантларга эга эканлиги сингармонизм белгисидир: *иши, аты, озу* (ўзи) каби.

**СИНТАКСИС.** (юн. syntaxis - тузиш). 1. Грамматиканинг ўзаро боғланишли нутқ қурилиши ўрганувчи, бўлими. Бу бўлим икки асосий қисмдан иборат: 1) сўз бирикмалари ҳақида таълимот қисми (сўз бирикмалари синтаксиси); 2) гап ҳақида таълимот қисми (гап синтаксиси). 2. Сўз туркумларининг нутқдаги вазифалари ҳақидаги таълимот (феъл синтаксиси).

**СИНТЕТИК ТИЛЛАР.** (юн. synthetikos — бириктирилган, қўшилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., рус ва немис тиллари синтетик тиллар жумласидандир. *Қиёс. Аналитик усул.*

**СИНХРОНИЯ.** (юн. syn — бирга — chronos — вақт, яъни бир бақтлилик). Айрим тил ходисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг маълум бир тил ривожланиш босқичдаги ҳолатини лингвистик ўрганиш предмети сифатида шартли ажратиб олиш. *Қиёс. Диахрония.*

**СОЦИОЛИНГВИСТИКА.** (лот. Soti (etas) - жамият лингвистикаси). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Социология ва лингвистика синтездан иборат бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; нолисомий таъсирда тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг билан тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тилтил сиёсати юргазилганининг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби муоммолар билан шуғулланиди.

**СТРУКТУРАЛИЗМ** (лот. structure - тузилиш, қурилиш). Тилшуносликда тил компонентларининг ички муносабатларини, ўзаро боғлиқлигини, тилнинг тузилиш томонини ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган йўналиш. Структурализмнинг асосий йўналишлари қандагилар: 1) Прага лингвистик мактаби 2) Америка структурализи 3) Копенгаген мактаби 4) Лондон лингвистик мактаби.

**СТРУКТУРАЛ ЛИНГВИСТИКА** 1. Структурализм. 2. Тилшуносликнинг ўз текшириш предметини тил тизимидаги ички муносабатлар ва алоқалар билан чегараловчи, тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан алоқасикаби масалаларни чеклаб ўтувчи соҳаси.

**СУБСТРАТ** (лот. sub — ост + stratum— қатлам). Тилларнинг чатишиши натижасида мағлуб тилнинг ғолиб тилда қолдирган излари.

**СУНЬИЙ ТИЛ.** Табиий (бор бўлган) тиллар унсурларидан халқаро алоқа учун ёрдамчи восита сифатида яратиладиган тил: эсперанто(к.), интерлингва(к.), идо(к.), ва б.

**СУФФИКС** (лат. suffixus — қадалган, қоқилган). Сўзда унинг охирига қўшиладиган аффикс. **Қиёс. Префикс. Инфикс. Қ. Аффикс.**

**СЎЗ.** Лексиманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши. Ўз товуш қобиғига эга бўлган, объектив нарса-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги.

**ТАБИИЙ ТИЛ.** Ҳақиқий маънодаги, яъни фикр алишув қуроли сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тил. Қ. **Сунъий тил.**

**ТАВТОЛОГИЯ.** (юн. tautologia <tauto— айнан ўша + logos — сўз). Бир фикр (мазмун) ни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ифодалаш, сўзни ортиқча ишлатиш. Мас., *гапирмоқ* ўрнида *гап гапирмоқ, тепмоқ* ўрнида *оёқ билан тепмоқ* деб қўллаш тафтология ҳисобланади, чунки *гап, оёқ билан* қисмлари янги информация бемайди (*гапирмоқ, тепмоқ* сўзларидаги информацияни такрорлайди)

**ТАРЖИМА ЛУҒАТИ.** Бир тилнинг (таржима қилинаётган тилнинг) луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан эквиваленти бериладиган, ўзга тилнинг луғавий бирлиги таржима этиладиган луғат. Бундай луғатлар икки тилли ёки кўп тилли бўлиши мумкин: *русча-ўзбекча луғат, инглизча-русча-ўзбекча луғат* ва б.

**ТАРИХИЙ ГРАММАТИКА.** Грамматик ҳодисаларни (сўз шакли, сўз бирикмаси ва гапларни) турли тарихий босқичлардаги тараққиёти бўйича (диахроник) қиёслаб ўрганувчи грамматика.

**ТАРИХИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ.** Диалектга хос ҳодиса ва хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши ва бу хусусиятларнинг ташкил топишида бошқа тилларнинг иштироки каби масалалар билан шуғулланадиган диалектология.

**ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ.** Тилнинг луғат таркибини тарихий тараққиётида (диахроник планда) ўрганувчи лексикология.

**ТАРИХИЙ МОРФЕМА.** Ҳозирги тилда маъносини йўқотган (тил бирлиги сифатида йўқ), тарихан маъноли бўлган морфема. Мас., *ялмоқ, яйлов* каби сўзларнинг *ял-, яй-* қисми тарихан луғавий маъноли морфема бўлган.

**ТАРИХИЙ ФОНЕТИКА.** Тилнинг товуш томонини тарихий тараққиётда (диахроник планда) ўрганувчи фонетика.

**ТЕЗАУРУС.** (юн. thezauros-ҳазина). Тилга оид лексик таркибини тўла ҳажимда акс эттирувчи луғат.

**ТЕРМИН.** (лот. Terminus- чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Мас., лингвистик терминлар: *гап, эга, от, сон, товуш...*; геометрияга оид терминлар: *айлана, учбурчак...*; физикага оид терминлар: *жисм, босим, ҳаракат, майдон...*; кимёга оид терминлар: *сув, кумуш, ишқор, тузлар* ва б.

**ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТ.** Маълум бир соҳага оид сўзтерминларини қайд етувчи луғат. (Мас., Ҳ. Ю. Бекмуҳаммедовнинг 1978 йилда нашр этилган << Тарих терминлари луғати >>).

**ТЕРМИНОЛОГИЯ** (termin+logos-сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мавжуд. Мас., грамматик терминология, санъат терминологияси ва б.

**ТИЗИМ.** 1. Ўзаро муносабатлар билан боғланган, бир бутун бўлиб уюшган тил унсурлари мажмуи: *Тил тизими. Сўз ясалиш тизими.*

**ТИЛ.** 1. Нутқ ташкил этиб, фикр, ҳис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қиладиган фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими; кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашуви, викирлашув қуроли бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса.

**ТИЛЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАСНИФИ.** Тилларни грамматик шакл ҳосил қилиш усулларида фарқ қилишга кўра гуруҳларга ажратиш. Бу таснифга кўра тилларнинг қуйидаги турлари ажратилади. 1) а ф о р м т и л л а р (қ.); 2) а г г л ю т и - н а т и в т и л л а р (қ.); 3) ф л е к т и в т и л л а р (қ.) 4) п о л и с и н т е т и к т и л л а р (қ.) Яна қ. **Аналтик тиллар, Синтетик тиллар.**

**ТИЛЛАРНИНГ ШАЖАРАВИЙ ТАСНИФИ.** Тилларни келиб чиқиш манбаини бирлиги, умумийлигига кўра гуруҳларга ажратиш. Бундай умумий манбадан келиб чиқан тилларнинг катта гуруҳлари қариндош тиллар оиласини ташкил этади. Мас., ҳинд-европа тиллари оиласи, мўғул тиллар оиласи, туркий тиллар оиласи ва б.

**ТИЛ САТҲЛАРИ.** тилни текшириш жараёнида, уни таҳлил этишнинг турли усулларида белгиланадиган қатламлари (қаторлари). Тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонологик, морфологик, синтактик ва лексик сатҳлар фарқланади.

**ТИЛШУНОСЛИК.** Тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи ҳақидаги; муайян тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонунлари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва ш.к.га кўра тилшуносликнинг бир неча ўйналишлари (соҳалари) бор: у м у м и й т и л ш у н о с л и к (қ.); а м а л и й т и л ш у н о с л и к (қ.); х у с у с и й т и л ш у н о с л и к (қ.); с т р у к т у р а л л и н г в и с т и к а (қ.); м а т е м а т и к л и н г в и с т и к а (қ.); ва б.

**ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ.** Умумий тилшуносликнинг тил ҳақида дастлабки маълумот берувчи, тилшуносликнинг асосий қисимларини ва хусусий тилшуносликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий асос берадиган қисми.

**ТИПОЛОГИЯ** (юн. *typos* - из, шакл, намуна + *logos* - таълимот). Тилшуносликнинг тилларни типологик тасниф қилиш принципи ва усулларини ўрганувчи бўлими.

**ШАРҚШУНОСЛИК** (Ғарбдаги “ориенталистика” деб юритилади) – Шарқ халқларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, фалсафаси, этнографияси, ёзма ёдгорликлари ўрганувчи фанларнинг йиғидиси.

\*\*\*\*\*

## ТАЛАБАЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

### Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

- Омонов Қ.* “Шарқшуносликка кириш” фанидан дарс етакчиси. Тошкент, 2010.  
*Кононов А.Н.* История изучения истории тюркских языков в России. Л., 1982.  
*Омонов Қ.* “Туркий филологияга кириш” фанидан дарс йўруғчиси. – Туркий тиллар кафедрасининг йўруғи. Турк филологияси бўлими талабалар учун қўлланма. Тошкент, 2008, 311–336 б.  
*Рождественский Ю.В.* Общая филология. Москва, 1996.  
Ўзбекистон шарқшунослари. Тузувчи: М. Абдусаматов. Т., 2004.

### Қўшимча адабиётлар

- Алиев А., Содиқов Қ.* Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент, 1994.  
*Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.  
*Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.  
*Баскаков Н.А.* Тюркские языки. М., 1960.  
*Баскаков Н.А.* Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.  
*Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990*

*Рамстедт Г.И.* Введение в алтайское языкознание. Морфология. М., 1957.

*Hasan Eren.* Türklük bilimi sözlüğü. Ankara, 1998.

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Арабистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Индология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Синология>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Иранистика>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Японоведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Корееведение>

<http://ru.wikipedia.org/wiki/Тюркология>

<http://altaica.narod.ru>

\*\*\*\*\*

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТЎПЛАМ ТУЗУВЧИСИ ТЎҒРИСИДА ТЎҒРИСИДА



**ОМОНОВ ҚУДРАТУЛЛА ШАРИПОВИЧ**, ТошДШИ Туркий тиллар кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

“Туркий филологияга кириш”, “Шарқшуносликка кириш”, “Умумий тилшунослик”, “Тилшунослик билимлари тарихи” сингари фанларнинг ўқув–услубий қўлланмаларини яратган. Шунингдек, у қадимги давлатчилигимиз тарихида яратилган хужжатлар, уларнинг тил хусусиятлари, туркий расмий услубнинг келиб чиқиши, юксалуви ва ёзма меросимиз масалаларига бағишланган қирқадан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Фанининг ўқув дастури.....	3
Фаннинг ишчи ўқув дастури.....	7
Фанидан дарс етакчиси.....	10
Фанининг таълим технологияси.....	14
Фаннинг рейтинг ва мустақил таълимни баҳолаш ишланмаси.....	37
Фаннинг назорат саволлари.....	39
Фаннинг мустақил топшириқларини уюштиришнинг шакли ва мазмуни.....	41
Фанининг атама ва таянч тушунчалари изоҳли сўзлиги.....	42
Талабаларга тавсия этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалари.....	50
Ўқув-услубий тўплам тузувчиси тўғрисида тўғрисида.....	51